

АЁЛНИНГ ЭРИГА
МУХАББАТИНИ
ОРТТИРГАН

52
МАСЛАХАТ



**АЁЛНИНГ ЭРИГА
МУҲАББАТИНИ ОРТТИРГАН
52 МАСЛАҲАТ**

**«Насаф» нашриёти
2010**

Аёлнинг эрига мухаббатини ортирган 52 маслаҳат. Нашрга тайёрловчи ЎзМУ ўқитувчиси Сабоҳат Бозорова. – К.: «Насаф» нашриёти – 2010 й., 00 бет.


Оилани чинакам баҳт саройига айлантириш – бу саройнинг асосий устунлари бўлмиш эр-хотининг бирбирига муомала одоби ва сирларини билишлигига боғлик.

Мазкур китоб ҳам ана шу одоб коидалари ва уларнинг шарҳидан иборат.

Барчага баҳтли оиласвий турмуш тилаймиз.

Тақризчи:
педагогика фанлари доктори, профессор
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ

Муҳаррир:
Амир ХУДОЙБЕРДИЕВ



ISBN 978-9943-18-164-9

© «Насаф» нашриёти, 2010.

УМР ЙЎЛДОШИНГ СЕН УЧУН ЯСАНИШИНИ ИСТАГАНИНГДЕК СЕН ҲАМ У УЧУН ЯСАНИШИНГ КЕРАК

Эркаклар рафиқаларининг ўзлари учун ясанишлари, доимо дилтортар, гўзал бўлишларини истайдилар. Бу табиий истак. Лекин эркак ҳам рафиқасига кўркам кўринишга ҳаракат киладими?

Ўзига қарашиб фақат аёлларнинг ишими? Эркакнинг соч-соқоли ўғсан, уст-боши тартибсиз бўлса яхшими? Аёл эрининг ташки кўринишидан таъсириланмайдими? Ундаи бўлса эркак турмуш куришдан олдин, унаштирилган пайтда, учрашувларга борганида нега ўзига карайди, чиройли кийинади? Оила курганидан сўнг нега ташки кўринишига, кийим-кечагига аҳамият бермайди?

Эркакнинг ўзгаришига сабаб бўлган нарса нима? Аслида оиласи эркак унаштирилган пайтидаги каби ўзига эътиборли бўлиши лозим. Олимдан бири «Рафикамнинг мен учун ясаниши (пардозланиши) мени мамиун этганидек, мен ҳам у учун ясанаман», деганлар.

Умар ибн ал-Хаттоб (разияллоҳу анхунинг) хузурига бир аёл келиб эридан шикоят килди, никохларини бекор қилишини сўради. Ҳазрати Умар (р.а) у одамни чақиртириб келди. Эркакнинг соч-соқоли ўғсан, кийимлари нала-партиш эди. Озодаликка, кийинишига эътибор бермаслиги кўриниб турар эди. Ҳазрати Умар саҳобаларига эркакнинг кийимларини алмаштиришни, соч-соқолларини тартибга келтиришни, покланишига имкон яратишни буюрди. Булар бажарилгач аёлни ичкарига таклиф килдилар. Аёл кирганида эрини танимади, ундан уялди. Ҳазрати Умар “У эринг-ку, танимадингми?” деди. Аёл дикқат билан караб эрини таниди ва жуда кувонди. Эридаги бу ўзгаришларга Ҳазрати Умарнинг сабабчи бўлганилигини англади. Шундай килиб, оиласи сакланиб колди. Щу аснода Ҳазрати Умар дедилар: “Оллоҳга қасамки, сиз рафиқаларингизнинг сиз

учун ясанишини канчалик хохласангиз улар ҳам сизнинг ясанингиздан шунчалик мамнун бўладилар”.

Ислом поклик, назокат, тартиб динидир. Динимиз эркак-аёлга озода бўлишни, ташки кўришишимиз, кийим-кечагимизга эътиборли бўлишни буюради.

Пайғамбар алайхиссалом “Кимнинг сочи узун бўлса, унга яхши карасин, тоза тутишга харакат килсин”, деб кўрсатма берадилар.

Ул зот сувга ойнага қарагандай карап, соchlарини тарап, энг хушбўй мушклардан сурар эдилар!

Пайғамбаримиз сахобаларига хушбўй ифор (мушк, атир) таклиф этилганида рад этмасликни буюради: “Кимга ифор сифатида райҳон берилса рад килмасин. Зеро унинг ҳиди ёқимли ва сиғил”.

РАФИҚАСИНИ ҚУВОНТИРИШ ВА У БИЛАН ҲАЗИЛЛАШИШ

Баъзи эркаклар моддий эҳтиёжларни қондириш билан вазифалари бажарилади деб хисоблайдилар ва оиласдаги руҳий ҳаётни эсдан чиқарадилар. Масалан, аёлларнинг муҳаббатини қозониш учун улар билан ҳазиллашишни, уларни кулдиришни, кайфиятларини кўтаришни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Аслида булар оиласвий ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган позик жиҳатлардир. Улар эр-хотин ўртасидаги севгини кучайтиришга кодир.

Расууллоҳ соллаҳу алайхи васалламга ўта оғир вазифа – фатҳдан сўнг Маккадаги мусулмонларга бошлилик қилиш топширилган эди. Пайғамбаримизнинг рафиқалари кўнглини олиш, хурсанд қилишга вақтлари бўлмасликлари тайин эди. Лекин Пайғамбаримиз оиласнинг руҳий-маънавий ҳаётини, ахлоқий қадриятларни асло унутмаганлар. Айниқса, ёшрок пайтларида уйланган рафиқаси Ҳазрати Ойшага бўлган эътиборлари таҳсинга сазовор. Улар қўп ҳазиллашишар, турли ўйинлар ўйнар эдилар. Ҳатто югуриш бўйича

мусобакалашишган эдилар. Биринчи марта ҳазрати Ойша онамиз, иккинчисидә пайғамбаримиз ғолиб чикқанлар.

Яна бир куни пайғамбаримиз Ойша онамизга масжидда килич билан ўйнаётган ҳабашларнинг ўйинларини кузатишга рухсат берганлар. Ҳазрати Ойша онамиз шундай хикоя киладилар. “Расулулоҳ эшикда туриб, мени оркаларига олди. (Бошимни энсасига қўйиб) туриб ўйинчиларни томошга килдим. Зериккунимча турдим. Бир маҳал “Бўлдими?” деди. “Ха” деб жавоб бердим”. “Ундай бўлса борақол” дедилар.

“Шу уч ўйиндан ташқари барчаси дуруст бўлмаган ўйинлардир: ёй билан ўқ отиш, отни парваришлаш, хотини билан ҳазиллашиш (ўйнаш). Булар ҳақ ва тўғри ўйинлардир”. (“Саҳиҳи Бухорий”дан)

Пайғамбаримиз Жобир бин Абдуллоҳдан “Рафиқанг бокирами, тулми” деб сўрадилар. У “Тул” деб жавоб кайтарганида пайғамбар бокираларга уйланишни ташвиқ қилиш максадида “Рафиқанг бокира бўлиши керак эмасмиди? У сен билан ўйнар, сен у билан ўйнар эдинг” дедилар.

Ҳазрати Ойша онамиз бир неча қўнғироқлари бўлганлигини, қўшнилари ёнига келтапликлари, бирга ўйнаганларини, пайғамбаримизнинг уларнинг келишларига қарши бўлмаганлигини, аксинча ёрдам берганлигини тъкидлайди.

ШИШАЛАРНИ СИНДИРМАСЛИК КЕРАК

Аёлларнинг сўзларга, ишораларга, ҳаракатларга нихоятда эътиборли эканликларини яхши биламиз. Шунга қарамай қўйол¹ муомала билан уларнинг тўйғуларини задалаб қўйишимиз мумкин. Аксарият ҳолларда эркаклар рафиқаларини танқид ёмғири остида қолдириб, бир кисмигина тўғри бўлган айбловларни қўядилар. Бу айбловлар тўғри бўлиши мумкин, лекин аёллар билан муносабат усулига

¹ Бу ифода пайғамбаримизнинг бир халисидан олинган. (Бухорий, Одоб, 90, 95, 111) Аёлларнинг нозик фитратлари сабаб шишига киёслаганлар. “Шишиларни синдирмаслик” тъбири аёлларга яхши муомалада бўлиш, уларнинг дилини ранжигтаслик деган маънида қўлланилиган.

номууфоо тарзда ифода этилган. Бундай күпопликнинг ўзи хам оила бахтини чилпарчин қилишта кодир. Чунки аёл бундай вазиятларда турмуш ўртоғидан нафратлана бошлийди. Доротэ Дикс “Ажрашиш учун маҳкамалар йўлакларини тўлдирган эр-хотинларнинг ярмидан кўни бир-бirlарини танқид килганликлари туфайли тил тошиша олмайдилар. Шу танқид туфайли кўнгиллар синади, шахсиятлар озорланади, лекин ҳеч натижага эришилмайди” деган эди.

Рафиқангиз овқат тайёрлашга кечиккан бўлиши, сиз ишдан чарчаб келган бўлишингиз мумкин. Лекин шуни ёдда тутинг, у ҳам уй юмушлари билан чарчайди. Бу билан аёлларни окламокчи эмасман, лекин уларнинг узрини ҳам кабул қилишингиз лозим. Шундай вазиятларда кўпоплик кильмаслигингиз керак. Аксинча сабр билан иш тутишингиз даркор. Шундай йўл тутсангиз доимо баҳтли бўласиз. Сўзнинг қисқача, “шишаларни синдириб кўймаслик лозим”.

ТУРМУШ ЎРТОГИНГНИНГ СЕН БИЛАН ГАПЛАШИШ СУҲБАТЛАШИШ ИСТАГИГА “ЛАББАЙ” ДЕБ ЖАВОБ БЕРИШИНГ КЕРАК

Аёллар табиатан суҳбатланишини хуш кўрадилар. Хаттоки кизалоклар тенгдош ўгил болалардан эртарок тилга кирадилар. Мактаб ўкувчилари ўртасида ўтказилган тадқикотлар тил масаласида қизларнинг йигитлардан устунрок эканликларини тасдиқлайди.

Аёллар телефонда ҳам эркаклардан кўра узокроқ гаплашар эканлар. Эркакларнинг телефонда сўзлашиш давомийлиги ўртача б дақиқадан ошмас экан. Аёлларда бу кўрсаткич анча фарқли. Чунки улар суҳбатдоши хайрлашмоқчи бўлса ҳам саволлар бериб, суҳбатни чўзадилар. Эркаклар аёлларнинг табиатини яхши билмаганларидан бу ҳолатда анча сикиладилар.

Эркак рафиқаси билан суҳбатлашишдан хушланмаса аёл ҳам ранжийди ва эри билан суҳбатлашмасликка ҳаракат

килади. Натижада аёл энг асосий орзуларидан биридан маҳрум бўлади. Бундай вазиятдаги аёл ким билан гаплашади?

Эркак рафиқасига нисбатан ниҳоятда сабрлик бўлиши, унинг гап-сўзларига, баъзан эзмаликларига ҳам тоқат килишини керак. У билан юмшоқ муносабатда бўлиши, аёлнинг табиатини ва сўзланишига бўйган эҳтиёжини тўғри тушуниши керак.

Шу ўринда Абу Зар (р.а) ҳадисини келтириб ўтиш ўринлидир. Ҳазрати Ойша шундай баён киласди. “Ўн бир аёл ўтириб эрлари ҳақида гаплашдилар, ҳеч нарсани яширмасликка ваъда бердилар...” Ҳадис ниҳоятда узун. Пайғамбар алайҳиссалом Ҳазрати Ойша онамизнинг узун ҳикоясини тинглабди. Ҳикоя ниҳоясига етгач пайғамбар рафиқасининг кўнглини олиш учун “Мен сенга Абу Зарнинг Умму Зарга нисбатидекман. Фарқимиз шуки, Абу Зар Умму Зар билан ажрашди, мен ажрашмадим. Биз бирга яшаймиз.

Бу ерда ибрат олинадиган жихат пайғамбаримизнинг бу узун ҳикояни сабр билан тинглаши, рафиқасининг сўзи-ни бўлиб кўймаслигиdir.

Бундай ҳикоялардан, узок давом этувчи сухбатлардан эркаклар тез зерикадилар, шартта ўринларидан туриб кетадилар. Шунинг учун аёллар сухбатни чўзмасликка ҳаракат киласдилар.

Аёллар учун сухбатлашиш еб-ичицдек бир эҳтиёждир. Фикр юритиладиган мавзуларга ҳушлари йўқ. Масалан, иктисол, сиёsat каби соҳаларга у қадар кизиқмайдилар. Улар инсонлар ва нарсалар ҳақида гаплашишни маъкул кўрадилар. Фалончи эркак, писмадончи аёл, кийим-кечаклар каби...

УМР ЙЎЛДОШИГА ХУШ ЁҚАДИГАН ИСМ БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛИШ ЛОЗИМ

Ҳаммамиз ҳам ўзимизга ёқадиган исм билан чақиришдан хурсанд бўламиз. Ҳудди шу каби эркак ҳам умр йўлдошини унга ёқадиган исм билан чақириши лозим. Шунда аёлнинг кўнглига йўл топиши осонроқ кечади. Бизда: “Дадаси”,

“Дадажониси” ёки катта фарзанд исми билан мурожаат килиш расм бўлган.

Шу билан бирга умр йўлдошини чақиришда қўлланадиган лақабни уларнинг ўзидан бошқа одам билмаслиги керак.

ҲИССИЁТЛАРГА БЕРИЛИШ ВА ҲАДДАН ТАШҚАРИ ТАЪСИРЧАН БЎЛИШ КЕРАК ЭМАС

Психологик омиллар оиласи муносабатларга катта таъсир кўрсатади. Арзимаган нарсага ҳам ғазабланадиган, жазавага тушадиган эркак оила саодати тамалларини барбод килувчи жуфтдир.

Одоб қоидалари туйғуларни назорат остига олиш йўлларини, ғазабимизни қандай жиловлашимиз мумкинлигини, инсонлар билан муносабатда ўзимизни қандай тутишимиз лозимлигини ўргатади. Бу қоидалар бизнинг ва атрофимиздаги инсонларнинг руҳий саломатлигини асрашга қаратилган.

Оила ҳаёти бир умрликдир. Шунинг учун эр-хотинлар, айникса, эркаклар оиласи ҳаётда туйғуларга эрк бермаслиги лозим. Эркаклар туйғуларига банди бўладиларми ёки мушкул вазиятларда ғазабларини жиловлай оладиларми?

Эркаклар жаҳл устида килган ишларидан пушаймон бўладилар. Аммо пушаймондан не наф?! Шундай эркакларга Оллоҳ таолонинг қуидаги сўзларини эслатишни жоиз деб биламиш: “(У тақводор зотлар) яхши-ёмон кунларда инфок-эхсон киладиган, ғазабларини ичларига ютадиган одамларнинг хато-камчиликларини авф этадиган кишилардир. Аллюҳ бундай яхшилик килгувчиларни севади”. (Ол-имрон 3F134). Бу оятда ғазабларини енгиллар ҳам макталајапти. Кўлидан келгани ҳолда ғазабини жиловлашга харакат килмаган, кечирмайдиган эркакларни кўплаб учратамиз. Эркак шуни билиши лозим-ки, бундай фазилатлар тарбия ва амал билан ўзлаштирилади. Ҳеч ким жаҳлинини енгишни ўрганганд ҳолда туғилмайди. Аммо астойдил харакат килган

Эркак вакт ўтиши билан ўзида бўлмаган яхши хулқларни тарбиялашга эришади.

Маълумки, билим ўрганиш, юмшоқ табиатли бўлиш, хушмуомала қилиш, сабрли бўлиш билан қўлга киритилади. Ўтказилган тадқиқотлар оиласдаги эмоционал жараёнлар ва ҳаддан ташкари таъсирчанлик оила келажаги учун хатар туғдириши мумкинлигини, кўплаб оиласларнинг худди шу сабаб туфайли барбод бўлганлигини кўрсатади.

Оила ҳаётида руҳий омилларнинг аҳамияти ўрганилган бир тадқиқотда оиласвий келишмовчиликларга энг кўи сабаб бўлувчи 300 ҳолат, камрок сабаб бўлувчи 150 ҳолат ўрганиб чикилди. Натижада оила таназзулига сабаб бўлувчи кўплаб ҳолатлар таҳлил этилди. Хўмрайиш, доимий шикоят, ҳаяжонланиш, жаҳл, безовталиқ, ўта таъсирчанлик, хиссиётга берилиш, бир-бирларини ранжитадиган шаклда танқид қилиш, назоратни, ҳокимиятни қўлга олиш, ҳукмини ўтказишига интилиш, тартибсизлик каби ҳолатлар оиласдаги ноҳушиликларнинг асоси экан. Шундай экан, айнан шу ҳолатларни бартараф этиш оиласларни мустахкамлайди.

УМР ЙЎЛДОШИНГГА ИШОНЧ БАГИШЛАШИНГ ВА СЕН БИЛАН ЎЗИНИ ИШОНЧЛИ ҲИС ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШИНГ ЛОЗИМ

Ҳеч бир аёлнинг ишонишдан, ўзини ишончда ҳис килишдан муҳимрок эҳтиёжи йўқ. Аёлларнинг ишончга эҳтиёжлари давомийдир.

Умр йўлдошига ишонган, у билан ўзини бехавотир ҳис килган аёл уни кўпроқ севади, хурмат килади, кадрлади. Умр йўлдошига ишона олмайдиган, ундан кўркадиган аёл доимо шубҳа ва хавотирда яшайди, қарама-карши фикрлар гирдобида эзилади. Эркаклар орасида ҳар қандай келишмовчиликдан сўнг рафикасига лўписа қилиб, “ажрашаман” деб туриб оладиганлари анчагина.

Менга айтинг-чи, эрта-кеч ажрашиш ҳақида бонг урадиган эрга кайси аёл ишонади? Бундай эркаклар рафикаларининг мажбуран, кўр-кўронга итоат қилишини кутадиларми?

Бундай эркаклар оиласинг муқаддаслигини англаб етмайдилар. Оила риштаси арзимаган нарсага ҳам узилиб отиладиган ришта эмас. Оллоҳ таоло оиласи “қатъий сўз” деб атаган ва шундай марҳамат этган: “Ахир бир-бирингиз билан кўшилиб, улар (яъни, хотинларингиз) сизлардан (яхшилик ҳақида) катъий аҳд-паймон олганларидан сўнг қандай қилиб уни (яъни, маҳрни) қайтариб оласиз?!” (Нисо, 21) Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳам ажрашишни хуш кўрмаганлар ва “Оллоҳнинг ғазабини келтирадиган иш ажрашишидир” (Абу Довуд, Таюқ, 28) деганлар.

Ажрашиш ҳақида қайта-қайта гапирган, ҳатто суд қарорини бетоқат бўлиб кутган, ниҳоят ажрашган эркаклар ҳам охири пушаймон бўладилар. Лекин энди ортга йўл йўқ.

Хотинини кўркитиб, бошқа аёлга уйланишини айтиб, уйни тарқ этган эркаклар ҳам кам эмас. Бундай эркакларнинг биринчи умр йўлдошини каровсиз қолдириб, уларнинг хуқукларини поймол этиши ҳаромдир. Чунки ажрашмай туриб, уларни каровсиз қолдириш, ҳақларини ейиш ҳалол бўла олмайди. Чунки улар учун масъуллар. “Барчангиз чўпонсиз, сурувингиз учун масъулсиз. Амир кўриқчилир, кўл остидагилар учун масъуллир” (“Сунани Термизий”дан).

Баъзи эркаклар нима сабабдан умр йўлдошига зулм ўтказади? Улар ўзини химоя киладиган кучга эга бўлмаганликлари, ожиз эканликлари учунми? Турмуш ўртогига зулм қилувчи эркак Оллоҳдан кўркини лозим. Бундай эркаклар Оллоҳ зулмни хуш кўрмаслиги, золимларни ёқтираслигини яхши билиши лозим.

УМР ЙҮЛДОШИНГГА КУТИЛМАГАН СӨВФАЛАР БЕР

Севимли киши томонидан берилган совға инсонга чексиз қувонч бағишлайды. Айниқса бу совға кутилмаган бўлса.

Умр йўлдошинг хуш кўрган, олишини истаган нарсаларини совға килсанг уни накадар севишинг, қадрланингни кўрсатасан. Уни унутмаганлигингни яна бир намойиш этасан.

Баъзан ишга кўмилиб кетишинг мумкин. Лекин рафиқантга олган кутилмаган совғанг билан уни қувонтирасан, унга ёқадиган нарсаларни билишингни кўрсатасан. Бу лаҳзада ҳис қиласидиган қувончини таърифлашига сўз ожиз. Бу ўринда рафиқаси сўраган нарсанни вақтида олиб бермасдан атайлаб кутдириш, кейин сюрприз килишни назарда туваётганимиз йўқ. Бундай сюрпризларнинг қадри бўлмайди. Чунки аёл бу нарсаларни олишни ўйлаб сикилади.

Кутилмаган совғалар инсонга ижобий таъсир қиласди, уннутилмас таассурот колдиради. Рафиқант олиб беришини сўрамаса ҳам орзу қиласиган, ёктирган нарсасини совға килишинг уни қувончига кўмади. У ҳам сенга бефарқ бўлмасагина бу қувонч тўқис бўлади. Сенинг совғанг бошқаларнинг ҳадяларидан кўра кўпроқ севинтириши учун рафиқантни чин дилдан севишинг лозим.

УЙГА ОЧИҚ ЧЕҲРА БИЛАН КУЛИМСИРАБ КИРИШ

Эри уйга келганида мулозамат билан кутиб олиш аёлларнинг бурчидир. Эркаклардан талаб килинадиган нарса эса рафиқасига самимий табассум килиш, саломлашишдир.

Оила аёзоларига авваломбор салом бериш лозим. Салом исломнинг шиорларидан саналади. Салом бермай туриб “хайрли оқшом” деб бўлмайди. Оллоҳ бизга энг хайрли саломлашишини ўргатган: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатух”.

Оила аъзоларини Тангри таолонинг саломи, раҳмати, баракати билан қаршилаш кандай ажойиб! Баъзи инсонлар бундай саломлашишни пазарга илмай камситадилар. Чунки улар бу саломнинг буюк фазилатини, кенг барокатини билмайдилар. Мухтарам эр-хотинлар! Бу салом исломнинг ва жаннат аҳлиниң саломидир. Оллоҳ “Куръон”да, “Иймон келтирган ва яхши амаллар қылган зотлар” остидан окиб турадиган жаннатларга киритилиб, Парвардигорларининг изни-иродаси билан у жойда мангу қолдилар. Уларнинг (жаннатдаги) салом-аликлари бир-бирларига тинчлик-омонлиқ тилашдир” (Иброҳим 14F23), дея хушхабар беради. Ким шу сўзларни айтса унга кўп савоб ёзилади. Оллоҳ шундай осон эзгулик эшигини очган экан, оила аъзолари билан ислом тавсия этмаган шаклда саломлашиб, бу эшикни ёпиш тўғрими?! “Уйга кираётиб оила аъзоларингизга салом беринг. Саломингиз хам сизга хам оила аъзоларингизга барокатли бўлсин” (“Сунани Термизий”), дейилали ҳадисда.

Саломдан сўнгра оила аъзоларингга қувоичли хабарларни етказ, хафа қиласидиган хабарлар бўлса айтмасликка ҳаракат кил.

РАФИҚАНГ БИЛАН ГАПЛАШАЁГАНДА НИҲОЯТДА ЭЪТИБОРЛИ, ИЛТИФОТЛИ БЎЛИШИНГ ЗАРУР

Аёллар ўта нозиктаъб бўлганликлари учун улар билан гаплашганда илтифотли ва ёътиборли бўлишларини истайдилар.

Рафиқангга олдийгина бир гап айтсанг ҳам у оғриниши, сени хафа бўлди деб ўйлаши мумкин. Баъзан изтиробда қолини мумкин. Шунинг учун биз эркаклар аёлларга эркакларга қиласидек муомала қилмаслигимиз зарур.

Айтайлик, турмуш ўрточининг бирор нарсани тайёрлаб қўйишни буюрдинг. У адашиб бошқа нарсани тайёрлаб келди. Шундай вазиятда кандай йўл тутасан? “Мени яхши

эшиитмадингми?", "Мен сендан бошқа нарса сўрамаганмидим?" дейсизми?

Шундай дейишинг мумкин, албатта, лекин бунда унинг дили оғрийди, сенга бўлган муҳаббатига шикаст етади. Буни юмшокроқ қилиб айтиш ҳам мумкин-ку! Унга "Чарчаганингни биламан. Лекин мен буни эмас, бошқа нарсани сўрагандим" десанг нима бўлади? Бундай ҳолатларда эркакнинг рафиқасига мурожаат оҳанги ниҳоятда муҳим. Аёлларнинг кўнглини кўгарадиган бир неча хитоб шакллари бор. Масалан: "Марҳамат қилиб шуни тайёрлаб бер", "Шундай килсанг жуда миннатдор бўламан", "Бу лаззатли таомни тайёрлагунча қанчалик чарчаганлигингни тасаввур қилаяпман", "Болаларни парваришлаш, тарбиялашга қанчалар ҳаракат қилаётганингни кўриб турибман". "Бугун ҳар доимгидан ҳам гўзалсан!", "Бу либос сенга жуда ярашибди", "Уйни шу қадар тозалаб, тартиба келтирибсан-ки, айтмасликнинг иложи йўқ" каби...

РАФИҚАНГГА ЁҚАДИГАН МАВЗУЛАРДА ГАЛИР

Инсон қалбига элтувчи йўл билан гаплашиш, унга ёқадиган, қизик туюлган нарсалар ҳақида гапиришдан бошланишини биласизми? Бу руҳшунос олимлар ва инсоний муносабатлар устида бош қотирувчи мутахассисларнинг фикриджир. Дейл Карнеги "Дўст орттириш санъати" асарида бир адабиётшунос олимнинг "Инсон табиати" номли мақоласидан шундай парчани келтиради:

"12 ёшимда дам олии қунларини аммамникida ўтказа бошладим. Бир куни аммамнинг уйига ўрта яшар бир одам келди. Олдин уни кўрмаган эдим. Ўша пайтларда мен қайиқларга қизиқиб қолгандим. Бундан хабар топган меҳмон фақат шу мавзуда гапирди. Жуда таъсирандим. У кетгач аммамдан унинг кимлигини, қайиқларга нега бунча қизиқшини сўрадим. Аммам унинг Нью-йорклик адвокат эканли-

гини, аслида қайикларга унчалик қизиқмаслигини айтди. Мен утинг бутун оқиом нега шу мавзуда гапирганини сүрадим.

“У-жуда тарбияли, эътиборли инсон. Сенинг қайикларга қизиқишингни билиб, шу ҳақда сұхбатлашишини маңыз күрди” деде жавоб берди амман.

Аёлларга хуш ёқадиган сўзлар ва мавзулар бор. Сен хам рафиқаң нима ҳақда сўзлашишни ёқтиришини биласан. Сұхбатлашганда шу жиҳатларга эътибор килишинг, унга кувонч ва баҳтиёрлик ҳисларини берадиган мавзуларда сұхбатлашишинг лозим. Худбинлик килиб, фақат ўзингга ёқадиган нарсалар түғрисида гапирма.

Аёллар ёқтирадиган мавзулар орасида иккалангизга хам маңыз келадиганлари топилади, албатта. Масалан: фарзандларингиз, уларни парваришилаш, тарбиялаш...

Рафиқаң билан ёлғиз ўтириб фарзандларинг, уларнинг соғлиги, муаммолари, кувончлари, қилиниши лозим бўлган ишлар ҳакида гаплашишингга нима ҳалақит беради?

Дилбандларингизнинг жисмоний ва руҳий аҳволи, уларни озодаликка ўргатиш, кичик ёшдаги болалар ўртасидаги мунозараларни ҳал қилиш, бир-бирига ёрдам бериш, яхши нарсаларни баҳам кўришга ўргатиш каби муаммолар ҳакида рафиқаң билан сұхбатлашишинг лозим.

ОИЛА АЎЗОЛАРИНГИЗ ЁНИДА РАФИҚАНГИЗНИ МАҚТАНГ

Эркакнинг аёлнинг таниш-билишлари, айникса, оила аЎзолари ёнида танқид қилиши, айблашидан кўра қўпроқ ранжитувчи нарса йўқдир.

Ҳар қандай аёл умр йўлдошининг оиласига ўзгача меҳр хис килади. Шундай экан, эри оила аЎзолари ёнида уни танқид қилса аёл қай ахволга тушишини тасаввур қила оласизми? Бу эркак йўл кўйиши мумкин бўлмаган хатоликдир. Оила аЎзолари ёнида хотинни танқид қилиб ерга уриш эмас,

аксинча, мақташ керак. Унинг яхшиликларини, бошқалардан устун фазилатларини эсга олиш лозим.

Кўплаб оиласарнинг бузилиб кетишига эркакнинг оила аъзолари ёнида рафиқасининг камчиликлари хақида гапириши сабаб бўлмоқда. Чунки ўша дақиқадан эътиборан эркакнинг оиласи аёлнинг камчиликларини пешлаб, кўз очиришмайди. Бу эса ажрашишни тезлаштиради.

Иш шу билан тугамайди. Эркакнинг уйидагилар бу ҳақда бошқаларга хабар берадилар. Ахир бу жиддий камчиликлар ажрашишга сабаб бўлади! Аслида бу масала эрхотин ўртасида хал қилиниши мумкин эди. Оила аъзоларининг аралашуви туфайли оқибат ҳам нохуш бўлди.

Шунинг учун эркак умр йўлдошининг камчиликларини бошқалар ҳузурида айтмаслиги лозим. Рафиқасининг унга бўлган муҳаббати, ҳурматини юз-хотир қилиши зарур. Зоро Оллоҳ умр йўлдоши билан яхши яшашни буюрган: “Улар билан яхши яшанг” (Нисо, 19).

ОЛИЖАНОБ ВА НАЗОКАТ ДОИМО КУТИЛАДИГАН АМАЛЛАРДИР

Рафиқанг тайёрлаган таом ёқмаганини айтсанг нима бўлади? Кийими хақида ножӯя сўз айтсанг-чи?... Унинг ёнида бошқа аёлнинг хуснини мактасанг-чи?

Бундай ҳолатлар эркак кишининг тажрибасизлиги ёки фаросатининг етарли эмаслиги туфайли юзага келиши мумкин. Рафиқанг тайёрлаган таом онангницидек лаззатли бўлмаслиги мумкин. Бу “Умр йўлдошинг яхши овқат қила олмайди” деган маънони билдирадими? Ёки сен онанг пиширган овқат хотининг тайёрлаганидан яхшиrok эканлигини ҳадеб эслатишга мажбурмисан?

Оилавий хаёт нихоятда олижаноб ва эътиборли бўлишни талаб қиласи. Рафиқангнинг пазандалик маҳоратини камситиш, бошқаларни мақташдек хатога йўл қўймаслигинг лозим. Акс ҳолда уни ранжитиб қўясан. У сенга муносиб

умр йўлдоши бўла олмаганидан азият чека бошлайди. Шу холида сени севишини умид қиласанми?

Рафиқангта “Ажойиб овқатлар тайёрлайсан-да, Умримда бундай лаззатли таомни емаганман” десанг нимани йўқотасан? Бундай илтифотга ҳар аёл мухтоҷ. Баъзилар “Бундай ёлғонларнинг нима кераги бор” дейдилар. Боринг-ки, ёлғон ҳам бўлсин. Эзгулик йўлида ёлғон ишлатиш ҳам эзгуликдир. Шу тариқа эр-хотин ўртасидаги меҳр ортар. Умму Гулсум бинти Укбадан шундай ривоят қолган. У “Пайғамбаримиз уч ҳолатдан бошқа вазиятда ёлғон гапиришга рухсат бермаганини эшитдим” дейди. Бу уч ҳолат қуйидагилардир: “Кишиларнинг муносабатини яхшилаш учун айтилган ёлғон, урушда айтилган ёлғон, эркакнинг хотинига ва хотиннинг эрига ўзаро муҳаббатини (ўрталаридағи муҳаббатни) мустаҳкамлаш (кучайтириш; уларнинг орасини ислоҳ қилиш) учун айтилган ёлғонлар”.

(Бу ерда аёлнинг эрига, эрнинг хотинига ёлғони севгини кучайтириш учун ваъда беришдир. Ўрталаридағи бирор ҳуқуқни бекор қиладиган, бир-бирининг ҳақига тажовуз характеридаги ёлғонни яшириш маъносидаги ёлғон эмас. Чунки бундай ёлғонлар мусулмонлар учун ҳаромдир)

Кўллаш мумкин бўлган ёқимли ёлғонларга мисоллар келтирамиз: “Шу кўзлар кўрган энг гўзал аёл сенсан!”, “Шу кунларда кўзимга парилардай кўринаяпсан”...

Кунлаб, ҳафталаб, ҳатто ойлаб умр йўлдошингни мақтамайсан-у, унинг жафоси, сенга ранж етказишидан шикоят қиласанми?

Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) нинг ҳузурига бир аёл келди. Эри ундан «Мени севасанми?» деб сўраганида «Йўқ» деб жавоб берибди. Ҳазрати Умар аёлдан «Нега ундин дединг?» деб сўраганида «Қасам ичищимни талаб қилди. Мен ёлғон гапиришни истамадим» деб жавоб қайтирибди. Ҳазрати Умар «Бундан вазиятларда ёлғон гапиришингиз, турмуш ўртоғингизга олижаноблик, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишингиз лозим. Ҳамма оиласалар ҳам

севги асосида курилмайди. Баъзилари ўзаро мухаббат ва ислом дини асосида курилиши мумкин» дейди.

Эркак ҳам, ҳакиқат бўлмаса-да, хотинига «Сени севаман» дейиши лозим. Оллохнинг амири билан ҳамма нарса ўзгариб, севиб колса не ажаб! Қалбларни ўзгартиришга кодир Оллоҳ барча қусурлардан холидир.

ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДАГИ МУҲАББАТНИНГ ЭЛЧИСИ


Кўпчиликнинг эътирофига кўра, аёллар атиргулларни хуш кўрадилар. Бир жуфт атиргул аёл учун кўп нарсани ифода этади. Моддий жиҳатдан қараганда, гул – оддийгина совға. Аёллар наздида эса, уларга тақдим этадиган гулнинг кадри бебаҳо.

Эркак уйга қайтаётиб бир дона ёки бир даста гул олиб, муҳаббати рамзи сифатида рафиқасига тақдим этишини ўйламайдими?

Совға бериш эр-хотин ўртасидаги муҳаббатни орттирувчи муҳим омилдир. У қимматбаҳо бўлиши шарт эмас. Ўзига тақдим қилинган совғанинг нархига аҳамият берувчи киши унинг маъносини англай олмайди. Бундай инсонлар севги ҳуқуқига эга бўлмаган, моддиятга эътибор берувчи кишилардир. «Оддийроқ совға берилган киши муҳаббатдан камрок насибадор» дейиш мумкинми? Асло!

Қимматбаҳо совға севгининг даражаси юксак эканлигини англатмайди. Чунки совғанинг баҳоси билан севгининг даражаси ўртасида хеч қандай алоқа йўқ. Хасислик бошка масаладир. Умуман олганда, совға севгининг намойиши, меҳрнинг элчиси, муҳаббатнинг аломатидир. «**Бир-бирингизга совға беринг, ўзаро муҳаббатингиз ортсин**» (Муватта, 16) ҳадисидан ҳаммамиз хабардормиз.

Эр-хотин ўнун муҳим хисобланган, эрга ҳам кадрли бўлган кунлар, вазиятлар бор. Эркак буларни унутиб кўймасдиги, совғалар бериши лозим.



РАФИҚАНГНИ БИР ХИЛ ҲАЁТДАН ҚУТҚАРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИНГ ЛОЗИМ

Оилавий ҳаётда аксарият аёллар дуч келадиган муаммо ҳаётнинг бир хил, зерикарли бўла бошлашидир. Бора-бора бундай аёлларнинг кўзига дунё тор кўрина бошлайди. Натижада бу ҳолат эри ва оила мухитига салбий таъсир қила бошлайди.

Бахти оилавий ҳаётни, рафиқасининг ўзини севишини истаган эркак ҳаётнинг зерикарли бўлишига йўл қўймаслиги лозим.

Оила ҳаётига мазмун киритиш учун қилинадиган ишлар оила, мухитга кўра фарқланади. Қишлоқ мухити кўчманчи ёки ўтрок ҳаётга ўхшамайди. Бадавлат оила камбағал оиласа ўхшамайди. Аммо ҳар бирининг умумий томони ва ўзига яраша имконияти бор. Масалан, баъзида саёҳатларга чикишлари мумкин. Ҳар оила имконияти доирасида манзил танлайди. Бундай саёҳатлар зерикарли ҳаётни озгина бўлса-да, жонлантиради, оиласи мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Эр хотин ўртасидаги келишмовчиликлар барҳам топиши мумкин. Натижада аёл эрини, оиласини кўпроқ сева бошлайди.

Қариндошларни йўқлаш, уларнида меҳмон бўлиш ҳам оилавий ҳаётга ранг киритувчи омиллардандир. Бундай зиёратлар эвазига савоб олинади. Қолаверса, болалар ҳам бундай борди-келдилардан яхши хулосалар чиқарадилар.

Оилавий ҳаётдаги бир хиллик ва зерикишнинг барҳам топишида эр хотиннинг Оллоҳ ризоси учун солиҳ амаллар килиши, фарз ибодатлари, айникса, беш вақт намозни ўз вактида ўкишидир. Вактида бажарилган ибодатлар мусулмонларга руҳан ва маънавий жихатдан ҳузур бағишлийди. Пайғамбаримиз ўқиган дуоларни такрорлаш ҳам ғам-қайғу ва хафагарчиликлардан халос этади. Пайғамбаримиз алайхиссалом шундай дуо қилганлар: «Оллоҳим, ғам-қайғудан

Сендан паноҳ тилайман. Ожизлик ва дангасаликдан, қўр-коқлик ва ҳасисликтан асрашингни сўраб сигинаман. Қарзнинг тўлаб бўлмас даражада орттиши ва инсонларнинг қаҳридан асрашинг учун Сенга юкинаман». (Абу Довуд, Салавот, 367). Бу дуони эрталаб-кечкурун ўқиган мусулмоннинг ғам-қайғусини Оллоҳ даф килади.

Аёллардаги зерикишни йўқотиб, ҳаётларини қизиқарли килиши мумкин бўлган бошқа омиллар ҳам бор. Масалан, янги танишлар орттириш, севган кишисига Оллоҳ ризоси учун севганини билдириш, килинган, хуш кўрилган эзгу ишларни ёзиб бориш, янги китоблар ўкиш, турмуш ўртоғи ёки дўстида кўрган яхши ўзгаришни мақташ, қадрдонлар билан хайрли ишлар, эзгу амаллар қилиш ниятида йигилиш каби.

РАФИҚАНГ ҚУСУРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИНГ КЕРАК

“Кусурсиз дўст қидирган дўстсиз қолур”.
Жалолиддин Румий

Ҳаётда ҳар хил воқеалар бўлади. Эр-хотин бу узок сафарда бир-бирининг хатолари, камчиликларига гувоҳ бўлади. Шунинг учун эр рафиқасининг камчиликларига ҳайрон бўлмаслиги керак.

Бу қусурлар эркакка малол келиши мумкин. Аммо айни пайтда аёлнинг устун жиҳатлари, мактовга лойик фазилатлари ҳам бор. Бу ижобий жиҳатлар эркакни хукм чиқаришга шошилмасликка, рафиқасининг фақат камчиликларига қараб фикр юритмасликка чақиради. Рафиқасининг яхши-ёмон томонлари, фазилатлари ва камчиликлари бирга олиб каралиши лозим. Бир томонни пеш қилиб, рафиқасини айбламаслиги керак.

Оллоҳ «Куръон»да «Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар. Агар уларни ёмон кўрсангизлар ҳам

(сабр қилиб инок ҳолда яшайверинглар). Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ қўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин». (Нисо, 19), дея марҳамат қилади.

Пайғамбаримиз алайхиссалом «Мўмин эркак мўмина аёлидаги бирор қусур учун жаҳл қиласин. Зеро, аёлида унга ёқадиган жиҳатлар ҳам бор» дейдилар. (Муслим, 61).

Ҳар бир эркак камчиликсиз рафиқа топа олмаслигини билиши керак. Рафиқаси, хатолари борлигига қарамай, бошқа аёллардан яхшироқдир. Бунга амин бўлишни истасангиз қоғоз ва қалам олинг. Рафиқангизнинг камчиликлари ва фазилатларини ёзиб чикинг. Шунда фазилатларининг кўплигини кўрасиз. Турмушда ҳар жиҳатдан мукаммал, идеал умр йўлдоши топа олмаслигинизни билишингиз лозим. Феъл-автор ҳаммада ҳар хил бўлади. Рафиқангизнинг сизга ёқкан ва ёқмаган томонлари бўлиши мумкин. Бу табиий ҳол.

Оилани дўконга ўҳшатиш мумкин. Дўконда турли хилдаги, сифати ҳам турлича бўлган маҳсулотлар бўлади. Аммо у ердаги нарсалар кишиларнинг хоҳиши ва таъбига кўра танланган эмас. У ерда сизга ёқадиган ҳар қандай маҳсулотни топа олмайсиз. Истасангиз ва таъбингизга кўпроқ мос келганини танлайсиз. Оилага ҳам шу нуктаи назардан ёндашсанг баҳтлирок бўласан, ҳаётдан кўпроқ хузурланасан. Умр йўлдошингиз ҳар жиҳатдан сиз истагандек бўлмаслиги мумкин. Чунки у бошқа муҳитда ўсган. Феъл-автори ҳам сизницидан фарқлирок.

Сизга маъқул бўлган ва бўлмаган хислатлари, сизга ўҳшаган ва ўҳшамаган томонлари бор. Буни қабул қилиб кўникишингиз, ҳаёт билан олишмаслигиниз керак. Ундаги феъл-авторни буткул ўзгартиришга уринмаслигиниз лозим. Бунинг учун узоқ вакт ва сабр талаб қилинади. Сизга хуш келмаган томонларини доимий тарбия, бағрикенглик, хайриҳоҳлик билан секин-аста ўзгартириш мумкин.

АҲАМИЯТСИЗДЕК ТҮҮЛГАН ВОҚЕАЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ БҮЛИШИНГ ЛОЗИМ

Кичик нарсалар йигилиб-йигилиб улканлашади. Эрхотиннинг табиати турлича бўлганидан ораларидаги аҳамиятсиз нарсалар туфайли ҳам муаммолар келиб чиқиши мумкин. Бу муаммолар тезда ҳал қилинмаса, вакт ўтиб тоғдек катталашади ва уни ҳал қилиш кийинлашади. Масалага инсоф билан ёндашувчи кишилар эр-хотин ўртасидаги муаммолар улар табиатидаги фарқлар туфайлигина эмаслигини сезадилар.

Ундаи бўлса гап нимада? Буларнинг замирида оддий нарсалар турганлиги эмас. Аксинча, оддийдек туюлган воқеаларни қабул қилиш тарзимиз ва уларга бўлган муносабатимиздир. Рафиқасининг баъзи кичик камчиликларини кўрган эрнинг асабийлашиб, сабрсизлик қилиши, унга танқид ўқларини ёғдириши, уни ўзгартиришга зўр бериб уриниши аёлнинг стресс ҳолатига тушишига сабаб бўлади. Ҳолбуки бундай вазиятларда босиклик ва хайриҳоқ кўнгил билан хотинининг узрини эшитса, сабр билан иш тутса маълум муддатдан сўнг вазият ўнгланади. Лекин асабийлашиб, тор кўнгиллик қиласа асл муаммо бошланади.

Мутахассислар 40000 та ажрашини ҳолатини тадқик қилиб, шундай хulosага келдилар: “Эр-хотинларнинг келишмовчиликлари замирида оддий сабаблар ётади”.

УЙ ЮМУШЛАРИНИ БАЖАРИШДА РАФИҚАНГИЗГА ЁРДАМ БЕРИШИНГ МУМКИН

Уй ишларини бажаришда доим ёрдам беришинг шарт эмас. Лекин рафиқанг ора-сира унга карашаётганингни кўрса, бундан хурсанд бўлади. Сиздан миннатдорлигини осонгина сезишинг мумкин. Баъзи эркаклар уй ишларини

Фикрлаш тарзи, акли эри томонидан камситилган аёл эрига хурмат ва муҳаббат кўрсата олмайди. Эркаклар аёлларнинг ақлини заиф, заковатларини паст санайдиларми? «Улар соғлом фикрлай олмайди» деб ўйладиларми?

Бундай мушоҳада юритиш тўғри эмас.

Аёлларнинг ақлини хурмат килиш лозим. Шундай аёллар бор-ки, акл ва заковат жиҳатидан эркаклардан устундир. Мисол келтиришга эҳтиёж йўқ деб ўйлаймиз.

Ҳазрат Навоий ёзадилар:

*Юз туман нопок эрдин яхшироқ,
Пок хотинлар аёгининг изи.*

Аммо шуни эътироф этиш лозим-ки, Оллоҳ таоло аёлнинг закосини эркакларнидан бошқачароқ яратган. Аёл заковати ўзига хос. Бунинг ҳикмати ёлғиз яратганга аён. Бу фарқ балки эркакларнинг ҳаётда факат акллари билан ҳукмронлик қилмасликлари, ҳаётни мазмунлирок килиш учундир.

Дарҳақиқат, қувноқ, жўшкин аёлларнинг эҳтиросли заковатлари ҳаётга ўзгачалик баҳш этади. Эркакларнинг аёл акли ҳакидаги фикрлари бундан фарқли бўлса, улар дунёкараши тор аёл билан турмуш қуришни ихтиёр этган бўлардилар. Аёлларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган камчиликларини пешлаб айбдор қилиш инсофли кишиларнинг иши эмас. Аксинча эркаклар аёлларни уларга хос хислатлари билан қабул қилишлари лозим. Бу ўринда қайд этилиши лозим бўлган бир жиҳат бор. У ҳам бўлса аёлларнинг уй юмушларини бажаришда, фикрда, оиласвий ишларни режалаштиришда турмуш ўртоғи билан бирга иштирок этиши, фикр алмашишидир.

Кўпчилик эркаклар «Аёллар билан маслаҳатлашиб иш тутиш оиласи барбод қиласи» деган янгилиш фикрдилар. Бу фикр баъзи аёлларга нисбатан тўғри бўлса, баъзиларига нисбатан янгилишdir. Эркаклардан соғломрок фикрлайдиган аёллар саноқсиз. Эркаклар уддалай олмаган ишлар

ҳакида аёллар билан кенгашилганда муаммолар ечими топилган.

Шу ўринда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламиниг рафиқалари билан кенгашганлари, шунга мувофик иш тутганларини кўрсатувчи бир мисолни келтиришни ўринли ва етарли деб биламиз: «Ҳудайбия шартномаси тузилиб, ўн йил умра қиласлик моддаси қабул қилингач, кўпчилик хурсанд бўлмайди. Расууллоҳниг «Эҳромдан чиқма» амрига бўйсунишни истамайдилар. Расууллоҳниг хафалигини кўрган Умму Салама «Эй Оллоҳниг расули! Бориб қурбонлик қилинг, улар сизга эргашишади, курбонлик қилишади» дедилар. Расууллоҳ шундай қиладилар. Бошқалар ҳам шунга эргашадилар.

РАФИҚАНГ ҲАҚИДА ЯХШИ ФИКРДА БЎЛИШИНГ ЛОЗИМ

Эркакнинг ўз рафикаси тўғрисида ёмон фикрда бўлиши хоҳ унинг рафика сифатидаги ҳаракатлари ҳакида бўлсин, хоҳ аёл сифатидаги фаолиятига тааллуқли бўлсин оиласвий ҳаётга салбий таъсир қилади.

Инсоний муносабатлар ҳакида шундай гап бор: «Ҳолбуки, улар учун бу ҳақда яъни, фаришталарнинг қайси жинсдан эканлиги ҳакида бирон билим-хужжат йўқдир. Улар факт гумон-тажминга эргашурлар, холос. Аник-ки, гумон ҳакиқатдан бирон нарсанинг ўрнига ўтмас!» (Ва-н-нажм, 28).

Иzzat-хурматли оила фарзанди оқила аёлни танлаб тўғри йўл тутади. Чунки бундай аёлнинг васфи чиройли хулқ ва садоқатдир. Шундай фазилатларга эга бўлган рафика ҳакида ёмон ҳаёлларга бориш, ваҳимали ҳаёлларга берилиш, уни назорат остида тутиш тўғри эмас. Шундай йўл тугадиган эркакнинг ҳаёти барбодликка маҳкумдир. Эркакнинг рафикасидан ноўрин шубхаланиши, бўлмагур ҳаёлларга бориши дуруст эмас. Чунки унинг бу ҳаракатлари

бажариш хурматни камайтиради, ғууррга тегади деб хисоблайдилар. Бу нотүрри фикр.

Инсонларнинг энг яхиси, Одам Ато фарзандларининг мухтарами – пайғамбаримиз алайҳиссалом оиласига нисбатан ҳам инсонларнинг энг яхиси эди. Яхшилик, эзгулик, ҳикматни ёйишдек мушқул вазифани адо этиш баробарида уй юмушларига ҳам қараашар эди. Пайғамбари-миз ҳақида Ҳазрати Ойша онамиз шундай дейдилар: «У оддий инсон эди. Кийимларини ямар, сигир соғар, ўз ишларини ўзи қилар эди» (Аҳмад бин Ҳанбал, VI, 256). Яна Ҳазрати Ойша онамиз: «Расуллурроҳ соллаллоҳу алайхи васаллам оиласига ёрдам берар эди. Намоз вакти келганида масжидга чиқар эди» (Бухорий, Нафака, 8), деб эслайдилар.

Аёлнинг эрига хизмат қилиши вожиб бўлса-да, эркакнинг рафиқасига кўмаклашиши уларнинг яхши хаёт кечираётганилиги аломатидир. Бундай ёрдамлар, айникса, аёл уй юмушларидан безган пайтдаги кўмаклар эр хотин ўртасидаги муҳаббат ва ҳурматини кучайтиради.

ТҮЙҒУЛАРНИ БИЛДИРИШДА ХАСИС БЎЛМА

Инсонларнинг энг хасиси рафиқасига бўлган муҳаббатини билдиришда хасислик килган эркакдир. Рафиқасининг жинсий эҳтиёжини кондиришга аҳамият бермай, факат ўз нафсини ўйладиган эркаклар ҳам хасисдир.

Эркакларнинг рафиқаларининг жинсий эҳтиёжларини кондиришга беписандлик билан қараашлари жинсий номуво-фиқлик ва баҳтсизликка сабаб бўлиши мумкин. Имом Ғаззолий бу хусусда шундай дейди: «Эркаклар бу эҳтиёжларини кондиришгач дарҳол туриб кетмаслиги, рафиқасининг жинсий эҳтиёжларини ҳам кондириши керак. Аёлда коникиш кейинрок бўлиши мумкин. Аёлнинг шахватини кўзгаб, унинг эҳтиёжини қондирмасдан кетган эркак рафиқасига азият етказади. Иккаласининг эҳтиёжи ҳам бир

пайтда қондирилса аёл ҳам мамнун бўлади. Эркакларда учрайдиган яна бир хато жинсий эҳтиёжларни қондиришда хотинни кул деб билишларидир.

Жинсий алоқага тайёр ҳолда келиш учун бажариш керак бўлган ишлар бор. Эркаклар рафиқаларига яхши муомала қилишлари, улар билан ҳазиллашишлари, ёқимли ҳаракатлар билан эркалашлари лозим. Шунда улар кўнгилдагидек алоқада бўла оладилар.

Жинсий алоқа пайтида эркаклар рафиқаларига ҳайвонлардек ёпишмасликлари лозим. Аксинча эркалааб ўпишлари, самимий сухбат куришлари, турли шаклларда эркалатишлари зарур. Бундай қилинмаган тақдирда эр-хотин ўртасида жинсий совуклик юзага келиши мумкин. Зеро нозиктаъб аёл жинсий эҳтиёжи қондирилмаганини эрига айтольмайди, натижада муаммолар пайдо бўлади.

Мутахассислар йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида шундай хуносага келдилар: «Нотинч оиласларнинг энг асосий муаммоси жинсий номувофиқликдир. Агар эр-хотин ўртасидаги жинсий муносабат рисоладагидек бўлса бошқа муаммолар ўзаро келишув асосида ҳал қилинади» (Дейл Карнеги. “Дўст орттириш санъати”).

Шундай маълумотлардан хабардор бўлган эркак рафиқасига бўлган севгисини билдиришда, ўзи каби унинг ҳам жинсий ҳаётдан баҳраманд бўлишига хасислик қилишда давом этадими?

РАФИҚАНГНИНГ ФИКРЛАРИ, АҚЛИНИ ХУРМАТ ҚИЛИШИНГ КЕРАК

Баъзи эркак оиласи тинчлик бўлишини истамайди, муаммо чиқаришдан мамнун бўлади. Бу хил эркаклар ҳурматга арзимайди. Чунки ҳурмат икки томонлама бўлади. Бирор кишини ҳурмат қилсанг у ҳам сени ҳурмат қилади. Ҳурмат қилмаган кишингдан ҳурмат кутиш тўғри эмас.

рафиқасининг туйғуларини задалайди, ҳақсизликка дучор килади.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисда сафарга чиқсан эркакларнинг хабар бермасдан туриб тунда ўз уйлари эшигини тақиллатишларини ман қилган. Шундан ривоят қилинади: «Расууллоҳ (с.а.в) сафардан қайтганларнинг рафиқаси ҳакида ёмон хаёлга бориб, хиёнатни фош этишга қасд килиб уйлари эшигини (келишлари ҳакида хабар бермаган бўлса) тунда тақиллатишларини ман қилдилар» («Сунани Термизий»дан).

Пайгамбаримиз хотинининг ёмон иш қилганини исботловчи далил бўлмаган эркакнинг рашкини ҳаром ҳисоблайдилар. Рафиқасини ноҳақ ранжитган, жазолаган эркак шубҳаларга асосланиб иш тутган бўлади.

Расууллоҳ алайхиссалом марҳамат қилдилар: «Рашкининг бир тури бор-ки, Оллоҳ яхши кўради, бир қисми борки, хуш кўрмайди. Оллоҳга ёқадигани – кишининг ёмон иш бўлганига асосли далил бўлганда ҳис қилинадиган рашқдир. Оллоҳга хуши келмайдиган рашқ кишининг шубҳаси бўлмай, туриб кизғанишидир» (Абу Довуд, 114; Насойи, Закот 66, 5,78).

Шайтон эркаклар кўнглига қандай вассасалар солиши мумкинлигини, уларни рафиқалари ҳакида ёмон хаёлларга боришга ундашини, шубҳалар гирдобига ташлашини кўриб турибмиз. Эркаклар шайтон измига кириб бегуноҳ рафиқалари ҳакида ёмон хаёлларга борсалар оила хавф остида қолади.

Ёмон хаёлга борганда энг кийини шу фикрдан кутулишдир. Бошқалар ҳакида бир марта ёмон фикрга борган киши уларнинг бегуноҳлиги ҳакида минг битта исбот бўлсада миясиданги фикрлашдан халос бўла олмайди. Шунинг учун Оллоҳ таоло «Холбуки уларнинг бу хусусда ҳеч қандай маълумотлари йўқ. Улар факат ёмон фикрларга, шубҳаларга асосланадилар. Бу эса ҳакиқат дегани эмас» (Ва-н-нажи, 28) деган кўрсатмани беради.

Пайғамбаримиз ҳам «Шубҳа, ёмон фикрдан сакланинг. У сўзларнинг энг ёлғонидир» дейдилар (Бухорий, Никоҳ, 45, Муслим, Бирр, 28-34)

РАФИҚАНГГА УНИНГ ЭНГ ЯХШИ УМР ЙЎЛДОШИ ЭКАНЛИГИНИ ҲИС ЭТДИРИШИНГ КЕРАК

Баъзи эркаклар рафиқаларига кўпроқ насиҳат қилиш уларда ижобий ўзгаришларни пайдо қилишига, камчиликларни тузатишларига ишонадилар. Аммо қўп ўтмай зорлана бошлайдилар: «*Рафиқамнинг нуқсонларини тузатишга шунча ҳаракат қилдим, аммо ҳеч нарсанни ўзгартира олмадим*». Бунинг сабаби нима?

Бундай эркаклар рафиқаларига кандай муносабатда бўлишини, тўғрироғи, инсонларнинг камчиликларини кандай тузатиш кераклигини билмайдилар. Ҳар қандай кишининг ҳаракатларини ҳадеб таикид қиласверсангиз у ўзгаради леб ўйлайсизми? Йўқ, албатта. Ўанқид қилинган киши ҳам ўзини химоя қилишга ҳаракат қиласади, албатта.

Баҳтли яшаши истасанг рафиқангни мақта, унинг энг зўр умр йўлдоши эканлигини ҳис этдир. Кейин хатоларини тузатишга ўтсанг бўлади. Шунда кутилган натижага эришасан. Ўртангиздаги мухаббат ва хурмат ҳам ортади.

РАФИҚАНГНИНГ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШИГА ЁРДАМ БЕРИШИНГ КЕРАК

Турмуш ўртоғингнинг иктидорига ахамият бераб. кизиккан нарсалари билан ўгулланишига имкон яратаса...? Шуни ёдда тут: инсон хуш кўрган, кизиккан нарсаларини қилишга ёрдам берганларни севади, қадрлайди.

Баъзи эркаклар рафикасининг қобилиятини менсимай, ерга урадилар. Бундай қилиш аклсизликдир. Бундай эркаклар инсонлар билан кандай мулоқат қилишни билмайдилар.

Сизга арзимасдек кўринса ҳам рафиқангизнинг иктидорини хурмат қилишингиз, унинг қизиқицларини қўллаб-кувватлашингиз лозим. Бу масалада пайғамбаримиздан ибрат олсангиз арзийди. Рафиқаси ҳазрати Ойшанинг ёши анча кичик бўлишига қарамай, унга беписандлик қилмаганлар, у қилмокчи бўлган ишларга моне бўлманглар. Масалан, улар югуриш бўйича мусобақалашишгаи: бир гап пайғамбаримиз, бошқа сафар рафиқалари ютганлар.

Куйидаги хадис пайғамбаримизнинг рафиқалариға нисбатан қанчалик эътиборли, хайриҳоҳ бўлганликларини кўрсатади. «Пайғамбаримиз Табук ёки Ҳайбар муҳорабасидан қайтдилар. Ҳазрати Ойшанинг нарсалари кўйилган жавонининг усти ёпилган эди. Шамол эсида ва Ҳазрати Ойшанинг ўйинчоклари кўриниб қолди. Шунда пайғамбаримиз «Эй Ойша, булар нима?» деб сўрадилар. Ойша онамиз «Қизларим» деб жавоб бердилар. Ҳазрати пайғамбаримиз ўйинчоклар орасида икки қанотли от кўрдилар. «Қўғирчоқлар орасидаги нима?» деб савол берганларида «Оғ» деган жавоб бўлди. Ҳазрати пайғамбаримиз «Устидагилар нима?» деб сўрадилар. Ҳазрати Ойша «Қанотлари», дедилар. Ҳазрати пайғамбар «Отнинг қанотлари бўладими?» деганларида Ҳазрати Ойша Ҳазрати Сулаймон отлари билан боғлик оятлар оркали жавоб қайтардилар. Ҳазрати Ойша шундай ҳслайдилар: «Буни эшитган пайғамбар ҳазратлари кулдилар. Ҳатто озиқ тишларини ҳам кўрдим» (Абу Довуд, Обод, 62)

Рафиқангнинг болаларча харакатлар билан бандлигини кўрсанг, у билан ҳазилллашасанми ёки қалака қиласанми?

Қадрли эркаклар! Ҳар бир кишининг қизикиши ўзи учун жуда қадрлидир. Инсонлар шу қизикишлари оркали ўзликларини топадилар, баҳтга интиладилар. Рафиқангизнинг қобилиятларини ривожлантиришга тўсик бўлсангиз, қизикишларини мазах килиб камситсангиз, унга чексиз қувонич, баҳт берувчи завқдан жуфтингизни маҳрум қилган бўласиз. Бунга ҳакқингиз йўқлигидан ташкари бундай муносабат орангизга нифоқ солади. Генри Жеймс бу масалада

шундай маслаҳат беради: «Инсонлараро муносабатда ўрганишингиз керак бўлган илк нарса уларнинг қизиқишлари, севимли машғулотларига қарши чиқмаслигингиздир. Агар қарши чиқсангиз, сизга ҳам худди шундай қарши чиқшиади» (Д.Карнеги. “Дўст орттириш санъати”).

РАФИҚАНГНИНГ ҲАЙЗ КУНЛАРИДАГИ ВА ХОМИЛАДОРЛИК ПАЙТИДАГИ РУХИЙ ҲОЛАТИГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛ

Баъзи пайтларда аёлларнинг руҳий ҳолати кескин ўзгарди. Феъл-атворларида салбий ўзгаришлар кузатилади. Айниқса ҳайз кунлари ва ҳомиладорлик вактида. Ҳомиладорликнинг дастлабки ойлари айниқса аҳамиятли. Бу вактларда аёлларни оғриқлар, санчиқлар брезовта қилади. Шу сабабли эркаклар бу босқичларда рафиқаларининг руҳий ҳолатларига эътиборли бўлишлари, уларнинг эътибор ва ёрдамга муҳтож эканликларини англашлари лозим.

Ҳомиладорлик аёл учун табиий ҳодиса ҳисобланади. Лекин гормонал мувозанат ўзгарган бу даврда кўпгина жисмоний ва руҳий муаммолар келиб чикиши мумкин. Ҳомиладорликка руҳий жиҳатдан тайёр бўлган аёлда бу жараён енгилроқ ўтишини таъкидловчи мутахассислар эркакнинг қўллаб-куватлаши, самимий муносабати аёлга далда бўлишини илова қиладилар.

Шу билан бирга ҳомиладор аёл яшаётган руҳий-ижтимоий муҳит ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аёлнинг ҳомиладорлиги оила ҳаётига ўзгаришлар киритади, отага янги масъулиятлар юклайди. Аёлнинг ўз-ўзи билан оворалиги эркакни рад этишдек туюлиши мумкин. Эркак шу вазиятда окилона йўл тута аёл ҳам ҳомиладорлигига осон кўникиади.

Аёллар ҳайз вактида жисмонан ва руҳан таъсирчан бўлиб колади. Буни тўгри кабул қилиш лозим. Аёллар ҳайз муддатидаги тозалик ва гигиена қоидаларига қўпроқ аҳамият беришлари, тез-тез ювиниб, атрофдагиларни брезовта кил-

маслик чораларини кўришлари лозим. Ҳайз кўраётган аёл билан жинсий алока қилишнинг таъкикланиши аёлнинг жисмоний ва руҳий саломатлиги учун ниҳоятда муҳим бўлган тадбирдир. Бу давр турли руҳий зўриқишлиар, микроб ва касалликлар юктириш хавфи бўлган даврдир. Ҳайз тугагач аёл ғусл қилиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, рафиқангизнинг оғир кунларидаги руҳий ҳолатига диққат этинг. Бу вақтда ниҳоятда сабрли бўлиб, рафиқангизга кийин бўлган ишларда ёрдам беришингиз лозим.

ФАРЗАНДЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ ВА ТАРБИЯЛАШДА РАФИҚАНГГА КЎМАК БЕРИШИНГ ЛОЗИМ

Болаларни парваришилаш ва тарбиялашда турмуш ўртоғига ёрдам бериш уят иш эмас. Болаларга қарашиб осондек туюлса ҳам аслида машаққатлидир. Айникса ишлайдиган она ёрдамга муҳтож бўлади. Чунки унинг масъулияти кўпроқ, ёлғиз ўзи болаларни ва ишни уddeлаши кийин. Болалар парвариши ва тарбияси билан шуғулланиш отанинг эркак сифатидаги хурматига зиён етказмайди. Колаверса, отанинг болаларга нисбатан бўлган жисмоний ва руҳий эҳтиёжи кондирилали ва улар билан баҳтиёр эканлигини айтиш имкони туғилади.

Аёлнинг ўзи касал бўлганида ҳам, болалари хасталанганила ҳам турмуш ўртоғининг ёрдамига муҳтож бўлади. Эркак касал болаларини парваришилаётганида умр йўлдоши ёрдам бермасдан кўл қовуштириб ўтириби деб ўйламаслиги керак. Зоро фарзандлар унинг ҳам болаларидир. У ҳам дилбандларини ҳар жикатдан баркамол қилиб тарбиялашга масъулдир.

Ҳар бир ота рафикаси ишда ёки касал бўлган пайтларида болалар парвариши ва тарбиясини ўз зиммасига олиши лозим. Бу вазифани чин кўнгилдан адо этиб оила кувончи ва охират соодатига ноил бўлсин.

РАФИҚАНГНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ИЗЗАТ-ИКРОМДА БЎЛ, РАФИҚАНГНИ УЛАРНИ ЙЎҚ-ЛАШДАН МАҲРУМ ҚИЛМАСЛИГИНГ ЛОЗИМ

Қариндошлиқ ришталари жуда кучли ришталардир. Қариндошлиқ ришталари билан ўзаро меҳр-муҳаббатни ку-чайтириші, севги ва самимиятни ёйишни нақадар яхши!

Икки оила қариндош бўлгач, ёшлар уларни ажратмай ҳар икки оиласидаги амакиларни «амаки», аммаларни «амма», холаларни «хола» деб атайдилар. Қариндошлиқ ришталари мустаҳкамланади. Бу ришталарни кадрловчи эркак аввал бошдан рафиқасининг оиласи билан яхши муносабатда бўлиши, уларни иззат-икром килиши, турмуш ўртоғини ҳам ззгуликка ундаши, унинг оила аъзоларини бориб кўришига монелик қилмаслиги лозим. Чунки улар рафиқасининг оила аъзолари ва рафиқасига уларнинг кўп меҳнатлари сингган, ҳаклари кўп.

Қариндошлиқ ришталарини узган эркаклар Оллоҳ таолонинг амридан узоклашгандир. Уларнинг факат ўzlари эмас, ойланинг бошка аъзолари ҳам қариндошлиқ ришталарини узишга маҳкум бўладилар. Душманлик ва нафратга сабаб бўлса қариндошлиқнинг нима нафи бор? Рисоладаги эркак қариндошлиқ, қуда-андалик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Инсонлар ўртасида севгининг ёйилишига ҳаракат қиласди. Ажратиш, бўлиниш, узоклашишларга йўл кўймайди. «Агар (иймондан) юз ўғирсанлизлар, яқин-ки сизлар Ерда бузгунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруларингиз (билин ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар!» (Муҳаммад, 22).

Қариндошлиқ ришталарини узиш ер юзида фасод чи-қаришдир. Эркак киши ер юзида фасод чиқаришдан хурсанд бўлиши мумкинми?

ДАСТУРХОНДА РАФИҚАНГ БИЛАН БИРГА ОВҚАТ ЕЙИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛ

Баъзи эркаклар доим иш билан машғул бўладилар. Азбаройи бандликларидан уйда овқатланишга имконлари бўлмайди. Рафикалари билан бирга камдан-кам тамадди қиласидилар. Бундай ҳолат кўнгилхираликларга сабаб бўлиши мумкин. Эркак кунда камида бир маҳал оила аъзолари билан бирга тамадди қилиши, сухбатлашиши лозим. Бир амалдан кўриладиган наф катта. Эр-хотин ўртасидаги, отаона ва болалар ўртасидаги, болаларнинг ўртасидаги самимият ва меҳрнинг ортиши фикримиз исботи.

Овқат тановул қилиб сухбатлашишнинг гашти ўзгача. Ҳар бир киши бирор нарса дейди. Кун бўйи бўлган воқеалар таҳлил килинади, кувончлар баҳам кўрилади.

Ота-она болаларининг яхши-ёмон томонлари, ютуқ ва муаммоларини ўрганадилар, биргалашиб счим излайдилар. Эркаклар рафиқаларининг дардиҳолларини тинглайдилар. Улардан узр сўраш, яхши ишларини тақдирлаш, илтифот кўрсатиш фурсатига эга бўладилар. Аёллар ҳам эрларининг ишдаги муаммолари, муваффақиятларидан хабардор бўладилар, уларни қадрлашларини билдирадилар, бирор нарса сўрашдан олдин чукур мулоҳаза қилиб кўрадилар.

РАФИҚАНГНИ МАҚТАШИНГ ЗАРУР

Рафиқангга айтган ширин сўзларинг, мақтовларинг муҳаббат ва баҳт шаклида ўзингга қайтади. Гарчи бу ҳақиқатни билганилар кўп бўлса-да, амал қилувчилар оздир.

Уйга келганингда кўрасан-ки рафиқанг гўзал либосларини кийиб, чиройли пардоз килган. Лекин сен рафиқангнинг сен учун қилган бу ҳаракатига беписандсан! Аслида бу – қадрланиши лозим бўлган амал. Аёл эркаксек бўла олмайди. Сен бирнасда кийиниб, маъқул бўлган атирни сепиб ке-

таверасан. Буларнинг бари беш дақиқа вактингни ҳам олмайди. Аммо рафиқангнинг ўзига қараши учун анчагина вакт талаб қилинади. Жуфти ҳалолингнинг сен учун, сенга чиройли кўриниш учун қилган ҳаракатларини кўрмасликка олиб, индамасант унинг дилини ранжитасан, паришон қиласан. Унинг чиройли, ярашикли кийимларини макташни, сен учун ясанишини рағбатлантиришни қандай қилиб унутишинг мумкин? У сендан ҳеч бир мақтов, яхши сўз эшитмагани ҳолда ундан шуларни умид қилишинг тўғрими?

Мақтов, эътироф, ширин сўзлар аёлларнинг хаёлини ўғирлади. Улар эрининг амрига мунтазир бўладилар, у билан жон деб ёлғиз қоладилар.

Рафиқангни макташни ўрган. Унинг инсоний фазилатлари, устун жиҳатларини унга ёқадиган шаклда макташинг лозим. Уни мактаганда ошириб юбориб ранжитиб кўйма.

РАФИҚАНГНИНГ СИРЛАРИНИ САҚЛАШИНГ ЗАРУР

Сир саклаш факат аёлларнинг вазифаси эмас. Эркаклар рафиқаларининг сирларини асло очмасликлари зарур. Сирларнинг очилиши уларнинг иккаласига ҳам зарар келтириши мумкин. Энг ёмони эр хотин ўртасидаги интим хаёт тафсилотларини гапириб юришдир. Бу шайтоний ҳаракатлар. Имони бут эркак бундай қилмайди. Мусулмон эркак бундай нарсалар ҳакида гапирмайди.

Расуллулоҳ алайҳиссалом бу масалада шундай дейдилар: «Қиёмат кунида Оллоҳ хузурида сўраладиган энг оғир омонат эр хотин ўртасидаги омонатдир. Эркакнинг рафиқаси билан жинсий муносабати сирларини очилиши энг катта хиёнатлардандир» (Муслим, Никоҳ, 123, Абу Довуд, Одоб, 37)

Ул зот барча саҳобалари ва бизларни жинсий хаётга тааллукли сирларни очишдан кайтарганлар: «Турмуш ўртоғи

били нималар килганини айтиб берувчи аёллар ёки эркаклар бор». Бу сўзлар эркак-аёллар иштирокидаги анжуманда айтилгандир. Шунда хамма жим бўлиб қолибди. Бир аёл ўрнидан туриб: «Ҳа, эй Оллоҳнинг Расули! Баъзи аёллар, баъзи эркаклар шундай киладилар» дейди. Расуллуоҳ алайхиссалом аёлнинг бу сўзидан сўнг: «Бундай қилманглар. Бу эркакнинг ургочи шайтонга дуч келиб, инсонлар қўзи ўнгида у билан алоқа қилгани кабидир» дейдилар. (Аҳмад бин Ҳанбал, Муснад)

РАФИҚАНГНИНГ ҲАҚҚИГА АСЛО ХИЁНАТ ҚИЛМАСЛИГИНГ КЕРАК

Инсонга ҳукукларининг ўзгалар томонидан поймол этилишини кўришдан ортиқ азоб йўқ. Айниқса бундай харакат яқин кишилари томонидан килинса севги ва хурмат ўрнини нафрат эгаллади.

Ҳаким бир Муовия отаси Муовия ҳақида ривоят килади: «Эй Оллоҳнинг расули! – дедим, – бизнинг устимизда рафиқаларимизнинг қандай ҳақлари бор?» Расуллуоҳ алайхиссалом «Ўзинг еганда унга ҳам едиришинг, кийганингда унга ҳам кийдиришинг, айбини юзига солмаслигинг, уни ёмонламаслигинг, уй ичидан бошқа жойда уни ёлғиз колдирмаслигинг» (Абу Довуд, Никоҳ 42).

Моддий кучи ва имконияти бўлгани холда рафиқасининг ейиш, ичиш, кийиш каби эҳтиёжларини кондирмаган эркак унинг ҳукукини поймол килган бўлади. Аёлни ноҳақ ёмонласа унга зулм килган бўлади. Бундай эркак аёлидан ризолик тилаши ва ножӯя ишларини такрорламаслиги керак. Токи Оллоҳ уни кечирсин.

Ҳукуклар масаласида шуларни илова килишимиз мумкин. Эркаклар рафиқаларининг молларни асрашлари, исроф қилмасликлари лозим. Рафиқаларининг изнисиз уларнинг молларини ишлатмасликлари зарур. Аёлнинг розилигисиз

унинг молидан бирор нарса олиш ҳалол эмас. Инсоний эҳтиёжларни кондириш учун рафиқаларининг мулкини рухсатсиз ишлатган эркаклар умр йўлдошларига зулм қилган, хуқуҳларини оёқости қилган бўладилар. Турмуш курганда аёлга берган маҳрини олиб еган ва қайтиб бермаган эркак зино қилган каби бўлади.

КЎП ХОТИНЛИК МАСАЛАСИ

Оятда бирдан ортиқ аёл билан турмуш қуриш мумкинлиги тўғридан-тўғри эмас, бошка муносабат билан (етимларнинг ҳаққини ҳимоя қилиш ҳакида сўз борганида) айтилганлигини тўғри тушуниш керак. Оятнинг асосий мавзуси етим қизларни оғир хаёт шароитидан қуткаришдир. Кўп аёлга уйланиш масаласи эса асосий эмас, иккинчи масала сифатида зикр этилмоқда.

Кўп хотинликкка рухсат берилиши баъзи аёлларнинг хурматини сақлаш учун бўлганлигини эътироф этувчилар ҳам бор. Бу рухсат аёллар сони эркакларнидан кўп бўлган жамиятларда аёлни фахш ботқоғига ботишдан асраромоқда, шу зайдада унинг орияти, хурматини сақлаб қолмоқда. Кўп хотинлилик аёлнинг фарзанд кўра олмаслиги, аёллик вазифаларини бажаришга имкон бермайдиган хасталикка учраши, урушлар оқибатида эркакларга нисбатан аёллар сонининг ортиб кетиши каби ҳолатларда тўғри эканини таъкидловчилар ҳам бор.

Бундай никохларда эркаклар умр йўлдошларига адолатли бўлишлари шарт. Эр ўз имконияти даражасида нафака, кийим, бошпана каби моддий эҳтиёжлар билан боғлиқ масалаларда адолатли бўлиши лозимлиги оятда келтирилган. Шу ўринда севгида адолат ва тенглик бўлмаслиги, бир эркакнинг барча хотинларини бирдек севиши мумкин эмаслиги, улардан бирига руҳан якинрок бўлишини тўхтатиб бўлмаслигини даъво килувчилар бор. Ҳозирда кўпхотинли

эркаклар рафикаларига тенг муносабатда эмасликларига гувох бўламиз. Бу очик-ойдин зулмидир. Эрининг зулми аёлга оғир ботади. Зулм чекканларнинг дуоси қабул бўлишини унутмаслик лозим. Кўпхотинли эркаклар рафикаларининг дилини оғритиб, карғиш олмасликлари лозим. Бу масалада Оллоҳдан қўркиш керак.

Уmr йўлдошларига адолатли муносабатда бўлишнинг ажойиб намунаси пайғамбаримизнинг ҳаётларидир. Пайғамбаримизнинг кўп аёлга уйланишларида ҳикмат ва сабаблар бор. Бунинг изохи узок давом этади. Пайғамбаримиз Ҳазрати Хадича онамизга уйланганларида йигит эдилар. Ҳазрати Хадича онамиз эса беъа аёл эди. Пайғамбаримиз (с.а.в) уmr баҳорини у билан ўтказган, баҳтиёр эди. Уmr йўлдошлари орасида адолатсизлик килмаганлар. Ҳазрати Ойшани жуда севсалар-да бошқаларига адолатсизлик қилманглар. Бирор жанг ёки сафарга кетадиган бўлсалар қуръа ташлар эдилар, куръада ютган рафиқасини олиб кетар эдилар. Охирги марта хасталантанларида Ҳазрати Ойшанинг ёnlарида қолиши учун бошка рафикаларидан рухсат сўраганлар. Буларнинг барчаси пайғамбаримизнинг рафикаларига адолатли муносабатда бўлганликлари, уларнинг хақларига қанчалик риоят этганларини кўрсатади.

РАФИҚАНГ БИЛАН ЯХШИ МУНОСАБАТДА БЎЛИШИНГ, ОИЛАНГНИ КЎНГИЛДАГИДЕК ТАЪМИНЛАШИНГ ЛОЗИМ

Эркакнинг рафиқаси билан яхши муносабатда бўлиши унинг меҳрини янада орттиради. Яхши хулқли, ахлоқли эркак билан уmr йўлдоши орасида кандай муаммо юзага келса ҳам ораларида нафрат бўлмайди. Бошқача килиб айтганда, турмуш ўртоклари бундай эркаклардан нафратланмайдилар.

Инсонларнинг энг яхиси уmr йўлдошларига хайрли бўлган, улар билан яхши келиша олган эркаклардир. Расу-

луллоҳ соллаиллоҳ алайҳи васаллам шундай марҳамат қиласидилар: «Сизнинг энг яхшиларингиз оиласига энг хайрли бўлганингиздир. Мен эса оиласига нисбатан сизнинг энг хайрли яхшингизман». (Ибн Можа. Никоҳ, 50; Доримий. Никоҳ, 55). Пайғамбаримиз бизга аёлларга яхши, муносабатда бўлишни тавсия этганлар. Бу ул зотнинг вафотидан олдинги Видо хутбасида барча мусулмонлар шоҳидлигига умматига берган сўнгти тавсияларири. Бу тавсиянинг айнан шундай шароитда берилиши ҳам унинг накадар муҳимилигини кўрсатади. Расуллурроҳ шундай марҳамат қиласидилар: «Аёлларга нисбатан яхши муносабатда бўлинг... Уларга яхши муомалада бўлишдан бошқасига хаққингиз йўқ, токи улар ёмонлик килмасинлар. Агар қилсалар ётоказларини тарк этинг, салгина уринг. Сизга итоат қилсалар ҳақларига хиёнат килишга баҳона қидирманг. Биласиз-ки, аёлларнинг сизнинг устингизда ҳақлари бор, сизнинг ҳам уларнинг устидаги ҳақингиз – хотинларнинг оила шарафини сиз ёқтирамайдиган ҳеч бир кимсага оёқ ости килмасликларири».

Уларнинг сизнинг устингиздаги ҳақлари егулик ва кийим масалаларида уларга яхши қарашингиздир».

Яхши яшааш жуфти ҳалолига азият бермаслик, унинг еб-ичиш, кийим, бошпанага бўлган эҳтиёжини имкони даражасида қондириш, турмуш ўртоғи ва болаларига хасислик килмаслиknи талаб қиласидилар.

Оила учун килинган харжлар диний буйруқ бўлганилиги учун эркакка савоб ёзилмайди деб ҳисобловчилар ҳам бор. Асло ундаи эмас. Рафиқаси учун килган ҳаражати эвазига эркак катта савоб олади. Пайғамбаримиз с.а.в., шундай марҳамат қиласидилар:

«Инсоннинг сарфлаган энг фазилати динор пули болачаси ва Оллоҳ йўлига бағишлиланган ҳайвонга сарфлаган ва яна Оллоҳ йўлида ўртоғига сарфлаган динор ва цулидир». («Сунани Термизий”дан). Пайғамбаримиз алайҳиссалом таъ-

кидлайдилар: «Бола-чақага сарфлаган ҳар нарсанг мұхаққаң садакадир» (Муслим, 8).

Пайғамбаримиз оиласи ва болаларининг эхтиёжларига беғарқ бўлган бир одамни шундай огохлантирг'илар: «Тъминлашга масъул бўлган киши оила аъзолари ҳакларига риоя этмаса гуноҳга ботади» (Абу Довуд. Закот, 45. Ахмад бин Ҳанбал, 2F160,193, 195). Эркак оила аъзолари эхтиёжларини кондиришга бепарво. бўлмаслиги, қурби етганича уларнинг яхшироқ яшашига ҳаракат қилиши, Оллоҳ ўзига берган ризқни уларга сарфлар экан, хасислик қилмаслиги лозим. «Куръон» да шундай буюрилган: «Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни, бойлигига ярашадиган) нафака берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у холда Оллоҳ ўзига адо этган нарсадан (яъни, ўз холига яраша) нафака берсин. Оллоҳ ҳеч бир жонни ўзи унга ато этган (ризқ-рўз)дан бошқа нарсага таклиф этмас (яъни, ҳар бир инсон факат Оллоҳ ўзига ато этган ризқдан инфок килишга таклиф қилинур). Оллоҳ танглиқ – камбағалликдан кейин ентиллик-бойликни ҳам пайдо қилур» (Талок, 7).

ТУРМУШ ЎРТОФИНГНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ “ЭНГ МУНОСИБ РАФИҚА” ҚИЛА ОЛАСАН?

Баъзи эркакларнинг миялари “Энг муносиб рафиқа” фикри билан банд ва улар “Рафикам менга энг муносиб рафиками?” деб ўз-ўзларидан сўрайдилар. Тадқикотчилар “энг муносиб рафиқа” ёки “энг мос аёл” фикри болаларча хаёлтдан бўлак нарса эмаслигини ёътироф этиб, шундай дейдилар: “Зехнингизда жонлантирган, лекин узок вактдан буён кўрмаган ёки аслида йўқлигини билган бирор сурат ҳакида ўйланг... Мана шу сиз излаган идеал рафиқа намунасиdir. Сизга бу суратга карай олиш кучи берилиганда эди, ўша рафиқа эга бўлган фазилатларнинг ота-онангизда, айникса онангизда мужассам эканлигини ва гўё уларга кара-

танингизни кўра олар эдингиз. Мана сиз касал бўлганингизда рафиқангиздан онангизнинг меҳри, эътиборини кутасиз. Гапнинг кисқаси, тушларингиздаги умр йўлдоши сиз истаган, хаёл қилган рафиқадир». Бундай рафиқани ҳаётдан қидириб топа олмайсан. Сен ундан қидирган меҳр-муҳаббат, эътиборни у хам сендан кутади. Сен идеал турмуш ўртоғини хаёл қилганингдек, у хам шундай орзулар оғушида яшайди. Энг тўғри йўл хаёлларни қўйиб, ҳакиқатга юз буришдир. Ҳар бир онага табиат битмас-туганмас меҳр, сабр берган. У дилбандини ўзидан устун кўяди, унга бажонидил хизмат қиласи. Оллоҳ уларни шундай яратган. Сен шундай туйғуларни бермай туриб ундан кутишга ҳақлимисан? Онаиг сен қилган янгилик ҳаракатни узр сўрамасанг ҳам кечиради. Лекин рафиқанг сал нарсага сендан ранжиши мумкин.

Шунинг учун эркаклар хаёл дунёсида яшаб, ҳакиқатдан узоклашмасликлари лозим. Эркак нима қиласа, канча қидирса ҳам идеалидаги рафиқани топа олмайди. Бу ҳакиқатни тан олмаган эркакнинг хаёти хароб бўлади, бой берганларини қайтиб ололмайди. Аслида турмуш ўзаро олишиберишдир. Рафикангдан канчалик эътибор, меҳр, илтифот кўрсанг унга ҳам шундай муносабатда бўласан.

Хулоса қилиб айтганда, мўъжиза кутманг! Энг муносаб томон сиз бўлинг. Олишни истасангиз беришингиз кераклигини унутманг.

ОЛЛОҲГА ҚУЛЛИК ВАЗИФАЛАРИ ВА ҲАР ҶАНДАЙ ИБОДАТГА РАФИҚАНГГА ЁРДАМЧИ БЎЛИШИНГ КЕРАК

Эр-хотин ўртасидаги баҳтни умрбокий қилган омил. Оллоҳга тоат-ибодат қилишда бир-бирига ёрдамчи бўлиш, биргаликда ибодат қилиш учун маълум вактни тайинлашдир. Масалан, «Қуръони Карим» ни ўқиши учун бирор

вактни белгилашлари мумкин. Буни хар куни маълум вактда қисинлар демоқчи эмасмиз. Кундалик юмунларини бажаргандан сўнг маъкул бўлган вактда Оллоҳнинг китобидан бўлимлар ўқишиларини назарда тутяпмиз. Тунда эр хотин бир-бирини уйғотиб, икки ракат намоз ўқишилари Оллоҳ ризосига эришиш учун, ибодат килишлари натижасида Оллоҳ таоло улар ўртасидаги муҳаббатни ортиради, хаётларини барокатли килади, кўнгилларни сабоҳатга тўлдиради. Булар бу дунёдаги фойдалардир. Охиратда Оллоҳ уларга катта мукофотлар беради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай марҳамат киладилар: «Кимки тунда туриб, хотинини уйғотса, биргаликда ёки бир ўзи икки ракат намоз ўқиса Оллоҳни кўп зикр этган эркак ва аёллар сирасида саналади».

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадиси шарифда пайғамбаримиз шундай марҳамат килинади: «Оллоҳ шу кишига раҳмат билан муомала килади: у тунда туриб намоз ўқиди, хотинини ҳам уйғотади, у ҳам намоз ўқиди агар хотини ухлайверса юзига сув сепиб уйғотади. Оллоҳ тунда туриб намоз ўқиган, эрини уйғотган аёлга раҳмат назари билан карайди. Эри ҳам намоз ўқиди. Агар у ухлашда давом этса юзига сув сепиб уйғотади».

Нера Оллоҳга тоат-ибодатда, эзгулик йўлида бир-бири мизга ёрдам бермайлик? Шу саволга жавоб топишимиш зарур. Оллоҳ таоло Исмоил ҳақида шундай дейди: «У ўз аҳли умматини намоз ва рўзага буюрар эди. У Парвардигори наздилда рози бўлинган киши эди» (Марям, 55). Таангри таоло шундай буюради: «Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оиласалаларингизни дўзахдан саклангиз-ки, унинг ўтини одамлар ва тошлилардир, у дўзахнинг устида қаттиқдил ва каттиқўл, Оллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик килмайдиган, факат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур» (Тахрим, 6).

УЙДАН УЗОҚЛАШМАСИНГ КЕРАК

Кўпчилик эркаклар қаҳвахоналар, тўрли клубларда оиласи мухитдан, уйдан, болалардан ва муамолардан узоклашиш учун шундай ерларни афзал кўрадилар. Эркакнинг шундай ҳаракатлари давом этаверса, буни уйдан қочиш деб қабул қилиш керак. Бу ҳам эр-хотин ўргасидаги муносабатга совуклик солади. Улар бир-биридан узоклаша бошлидилар. Натижада муамолар янада кўпайиб, ҳал килиб бўлмайдиган даражага стади. Оддийгина нарсалар ҳам муаммолага айланиши мумкин. Осон ҳал қилиш мумкин бўлган муаммолар йиғилиб-йиғилиб, забт этиб бўлмас тоққа айланади.

Эй эркаклар! Сизга уйдан қочиш эмас, муаммоларга кўкрак кериш ва рафиқангиз билан елкама-елка туриб, муаммолар ечимини излашингиз керак. Орангизда муаммолар бор бўлса улар катталашиб кетмаслиги учун оқилона йўл тутинг, ечим қидиринг.

Эй муҳтарам умр йўлдоши! Ҳал қилиш мушкул бўлган муаммолар ўртангизда ғов бўлиб турган бўлса рафиқанг билан ҳамкорликда бу ишни уddaлашга ҳаракат қилишинг лозим. Астойдил уринсанг, оиласи мухитдан узоклашиш керак. Оласига айтинг: «Эй Оллоҳнинг Расули? Рафиқамизниң бизнинг устимиздаги ҳақлари нималар?» – «Ўзинг еганингда унга ҳам едиринг, кийганингда унга ҳам кийдиришишинг, юзига урмаслигинг, уни ёмонламаслигингдир». Шу тавсияни ёдингдан чикармаслигинг керак. Олангни қолдириб, бор вақтингни бошка жойларда ўтказмаслигинг лозим. Вақтингни улар билан бирга ўтказишишинг, улар билан сухбат қуришишинг, лозим бўлганида насиҳатлар берисинг зарур.

ҮТМИШНИ УНУТ, КЕЛАЖАККА БОҚ!

Оилавий ҳаётда нохушликларни келтириб чикарувчи омиллардан яна бири эркакнинг үтмишдаги воеаларга ёпишиб олиши, кўп вақт ўтишига карамай рафикасига «Мана бундай киммаганидинг?» деб кун бермаслигидир. Бундай ҳаракатлар аёлни ғамга кўмади. Эрининг ундан нафратланиши ҳақида ўйлашга мажбур қиласди.

Эркакнинг бундай ҳаракати эски яранинг янгиланиши, бита бошлиган дил жароҳатининг тирнилишига сабаб бўлди. Ҳал килинган, унтуилган муаммоларни кайтадан кун тартибига келтириш, юзга солиш тўғри эмас.

Эркак ёки аёл, бაъзи холатларда ҳар иккаласи ҳам олдин оила қурган бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда олдинги турмуш ўртоғини, олдинги ҳаётини эслатиш яхши эмас. Үтмиш унугилини керак. Чунки ҳадеб үтмишни эслайвериши рапик оловини аланг аолдиради. Олдинги умр йўлдошлари вафот этган бўлса уларни хурмат-эҳтиром билан элаш муаммоларга сабаб бўлмайди. Пайгамбаримиз Ҳадича онамизнинг вафотларидан сўнг уларнинг хизматлари, фаолликлари, доимо ўzlари билан ёнма-ён туриб кўмакдош бўлганлари ҳақида тез-тез гапирадар эдилар.

ОИЛАВИЙ ҲАЁТИНГИЗГА ҲЕЧ КИМНИНГ АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМА!

Оилавий ҳаётнинг ўзига хос бир қанча хусусиятлари бор. Эр-хотингагина тегишли бўлган масалалар бор. Буларни бошка кишиларнинг билиши тўғри эмас. Эр ёки хотинга тавсиялар, маслаҳатлар кўпайса муаммолар ҳам ортиб бора-ди, баҳт эса камаяди. Ҳеч бир аёл ўзига бир дунё шарт ёки буйруқ берилишидан хурсанд бўлмайди. Масалан, эркакнинг ота-онаси эр-хотиннинг ишларига аралашиб, ўз фикрларини билдира бошласалар бу ҳолат келиннинг уларга карши бўлиб қолишга сабаб бўлади. Натижада муаммолар

келиб чиқади. Айникса қайнона, қайнота билан бирга яшовчи оиласларда бундай ҳолат кўпроқ кузатилади. Улар келинга буйрук, кўрсатмалар беришлари, эътиroz билдира олмаган келинлар ниҳоятда сикилиб, руҳий азобда колишлари мумкин. Қайнота ўғлига келини билан муносабат ҳакида тавсиялар бераверса келин умр йўлдошига шахсияти ривожланмаган иисон сифатида карайди, ҳурмати камаяди.

Ота-онага итоат ва ҳурмат кўрсатиш фарз, албатта. Лекин фарзандларининг оилавий ҳаётига аралашвириш эрхотин ўртасидаги ришталарнинг узилишига сабаб бўлиши мумкин. Агарда ота-она келинининг ўғлига муносаб эмаслиги, улар ажрашишни лозимлиги ҳакида қатъий карорга келсаларгина улар ҳаётига аралашишлари мумкин. Қизнинг ота-онаси ҳам шундай йўл тутиши лозим. Шу ўринда ҳазрат Иброҳимнинг алайхиссалом ўғлининг оилавий ҳаётига аралashiши воқеасини келтириб ўтиш ўринли.

«Ҳазрат Исмоил уйлангандан сўнг отаси Ҳазрат Иброҳим Маккага келди. Бу пайтда Ҳазрат Исмоил уйда эмас эди. Келинидан унинг қаерда эканини сўради. «Ризқимизни териш учун овга кетди», деб жавоб берди аёл. Ҳазрат Иброҳим қандай кун кечиргандарини сўрадилар. «Ёмон, кунимиз зўрга ўтади, йўқчиликдан қийналяпмиз», деб шикоят қилди аёл. Шунда Ҳазрат Иброҳим «Эринг келса саломимни етказ, уйнинг остонасини алмаштиурсин», дедилар. Ҳазрат Исмоил келганида отасининг хидини сезди. Рафиқасидан «Бу ерга бирор киши келдими?» деб сўради. У беларволик билан, «Ха, бир чол келди. Сени сўради. Овга кетганингни айтдим. Қандай яшаётганимизни сўради. Зўрга кун кечираётганингизни айтдим», – деди. Ҳазрат Исмоил «Бирор тавсия бердими?» – деб сўради. Рафиқаси: «ха» сенга салом айтди, эшигининг бусагасини (остонасини) алмаштиурсин деди, деб жавоб берди. Шунда Ҳазрат Исмоил: «Келган одам отам эди. Остонам сенсан, сен билан

ажрашишимни буюрибдилар, бўлди, уйингта бор деди ва улар ажрашдилар (Имом Бухорий ривояти).

Шуни алоҳида такидлаш лозим: Ота-она фарзандлари турмушига ҳадеб аралашаверса, қайнота, қайнона келинига нуқул қўрсатма бераверса оила ҳаёти хавф остида қолади. Бу ҳолат ажрашишга сабаб бўлиши мумкин. Яхшиси ҳеч кимнинг ҳаётига аралашмаслик лозим.

Хурматли эркаклар! Оиласизга тегишли масалаларга бошқаларнинг аралашишувига йўл қўйманг. Шунда ҳақиқий баҳтга эришасиз.

ҒАРАЗЛИ МАҚСАДЛАРДАН ҚУТИЛИШИНГ КЕРАК

Баъзи эркаклар оиладан одатдаги мақсадлар йўлида эмас, бошқа ниятларини амалга ошириш учун фойдаланилар. Масалан, бой бўлиш учун, бадавлат аёлга уйланганлар бор. Обрў-эътибор учун жамиятда етакчи мавқе эгаллаган аёлга уйланганлар кўп. Бундай ниятда қурилган оиласалар доим ҳам мустахкам бўлавермайди. Чунки улар янгилиш мақсадлар асосида қурилган. Мусулмон оиласини имон-эътиқод асосида қуради. Мусулмон эркак уйланадиган аёлда диндорлик аломатларини излайди, имонли, эътиқодли аёл билан турмуш қуради.

Мусулмон эркак рафиқаликка номзоднинг мол-мулки, ижтимоий мавқега кўз тикмайди. Аввало унинг эътиқоди наслига эътибор беради. Номусини асрар, кўзларини ҳаромдан саклаш, ажойиб наслни тарбиялаш учун оила курган жуфтликлар турмушини Оллоҳ таола барокотил қиласди. Бошқа ниятларда турмуш курганлар зарар қўрадилар. Пайғамбаримиз (с.а.в) бу масалада қаттиқ огоҳлантирадилар ва рафиқаларга афзал кўриши лозим бўлган жихатларга эътиборимизни қаратадилар. «Аёлларга 4 фазилати учун уйланадилар: бойлиги, насаби, ҳусни ва имони учун. Сен диндо-

рини танла, барака топасан». (Бухорий, Никох,15; Муслим, Радо,15.)

Фаразли мақсадлар билан курилган оиласардаги ноҳушликларнинг сабабларидан бири эркакларнинг рафиқаларига бир зарурат юзасидан уйланганлар. Аёл буни эртами кечми ҳис килади, эридан кўнгли қолади. Масалан, ўзининг бойлигига учиб уйланганини сезган рафиқа хасислик қилиб, мол-мулкидан эрининг фойдаланишига йўл кўймайди. Бу эса келишмовчиликларга сабаб бўлади. Баъзи эркаклар руҳий эҳтиёжларини кондириш, камчиликларидан қутилиш учун уйланадилар. Кутилган нарсаларга эришилмаса хаёт оғирлашади. Рафиқасидан умид килган, кутган муҳаббат ва эътиборни кўрмаган эркак азобда қолади. Масалан, эркак ёшлигига ота-онасидан жудо бўлган шу бўшлиқни рафиқаси, фарзандлари меҳри билан тўлдиришни истайди. Аммо мақсадига етолмайди. Чунки ҳеч бир аёл онанинг жигарбандига кўрсатган меҳри, муҳаббати, марҳаматини эрига кўрсата олмайди. Бунинг турли сабаблари бор. Умр йўлдоши нимаики берса айни шаклда олишни истайди. Турмуш (оила) олиш ва беришdir дейиш мумкин. Она эса боласига берганлари эвазига бирор нарса кутмайди. Уларнинг муҳаббатига тўлиқ яралганлар.

Рафиқага канча меҳр кўрсатсанг, шунча оқибат кўрасан. У сени ҳеч нарса кутмасдан севиши кераклиги ҳақидаги фикрни унут.

УМР ЙЎЛДОШИНГНИНГ СОҒЛИГИГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИШИНГ ШАРТ

Аёллар соғлик ва касаллик масалаларида ўта хиссиётлилар. Аслида соппа-соғ, аммо ўзини касал ҳис килувчи аёллар бор. Улар турмуш ўртоғининг жуда эътиборли бўлишини истайдилар. Шифокорга олиб боришига кечиккан турмуш ўртоғи уларнинг соғлиги ҳақида қайғурмаслиги, ўлимини исташи каби хаёллардан кутула олмайдилар.

Шунинг учун эркак шифокор кўригига эҳтиёж сезган рафиқасини дарҳол мутахассисга олиб бориши зарур. Буни умр йўлдошини севганлиги, унинг соғлиги ҳакида ташвишлангани учунгина эмас, айни пайтда вазифаси йўлганлиги учун ҳам килиши керак. Рафиқасининг шифокор тавсияларига амал килаётганини назорат килиши зарур. Чунки аёллар уннутувчан бўладилар. Турмуш ўртоғининг эслатиб туришига эҳтиёж сезадилар. Эркак фақат рафиқаси касал бўлганида эмас, доимо эътиборли бўлиши зарур. Аёл эрининг ўзига эътибор бериши, соғлиги ҳакида кайгуриши, шифо топиши учун қўлидан келган ишга тайёр эканлигини хис килиши керак.

Касал пайтларида турмуш ўртоғига ёрдам бериш, ширин сўзлар билан дардини енгиллатиш, соғлигини тиклашида руҳий мадад бериш, Оллоҳнинг хоҳиши билан тузалиб кетишига ишонтириш эркакнинг вазифасидир. Аёлга касаллик Оллоҳ томонидан покланиш воситаси сифатида берилганлиги, бу улар учун фойдали бўлишини тез-тез эслатиб туриши лозим.

ҚУВОНЧИНГНИ РАФИҚАНГ БИЛАН БАҲАМ КЎРИШИНГ КЕРАК

Мутахассислар эркакнинг хафалигини умр йўлдошига сездирмаслиги, муоммаларини, ғамларини билдирилмаслиги кераклигини айтадилар. Аёлларнинг ҳам ўзларига яраша дардлари, муоммолари бор. Шунинг учун уларнинг зиммасига уддасидан чиқиш қийин бўлган ишлар юкланмаслиги керак.

Рафикангга кулиб карашинг керак. Баъзида хафа бўлсанг ҳам баҳтли, хурсанд кўринишига ҳаракат килишинг зарур, тики оила ғамдан фаромуш бўлмасин. Эркак ишдаги муоммоларининг аламларини оила аъзоларидан олмаслиги керак. Лекин эркак кайфияти яхши бўлганида, кувончли

хабарлар олганида қувончини оила аъзолари билан баҳам кўриши шарт. Токи оила кўрғони шодлик ва бахтга тўлсин.

Баъзи ҳолларда ғамларини унтиш керак. Айниқса оила муҳити хафагарчиликни кўтармайдиган бўлса...

Рафиқангиз билан қувончларни, хушхабарларни баҳам кўришингиз лозим. Ишдаги муоммалар билан рафиқангиз дилига қайғу солманг. Уйга кирганда муоммалар, ғамларни ташкарида колдириш керак. Самимий табассум билан оила аъзоларига салом бериш лозим. Оила кўрғонида рафиқанг ва фарзандларинг билан бахтли яшашга харакат қилишинг зарур.

Шундай килсанг ҳакиқий бахтга эришасан, рафиқангнинг муҳаббатига, хурматига сазовор бўласан. Натижада рафиқанг сен билан ҳамиша фикрларини баҳам кўради, биргаликда саодатга эришасиз.

УЗОҚ САФАРГА ЧИҚҚАНИНГДА РАФИҚАНГГА МАКТУБ ЁЗИШИНГ, ДОИМО ҲОЛ-АҲВОЛ СЎРАБ ТУРИШИНГ КЕРАК

Ҳаёт мураккаб. Баъзан шароит оғирлашиши, кун кечириш қийин бўлиб қолиши мумкин. Шундай шароитларда эркаклар ризқ ахтариб узоқ сафарларга чикиши, оиласидан узоққа бўлиши мумкин. Бунда эркак бир неча тамойилга амал қилиши лозим:

1. Жуда узоқ вақтга кетмаслигинг керак. Бу оилангни қийнаб қўяди. Айрилик изтироби уларга азоб бера бошлиди. Узоқ муддат сенинг меҳринг, муҳаббатинг, эътиборингдан маҳрум бўлади. Рухшунослар: киска муддатли айрилик керакли ва фойдалидир. Лекин узоқ муддатли айриликлар эр хотинга, оилавий муносабатларга зарар етказди, дейдилар. Аёлнинг эри устида ҳақлари бор. Эркакнинг узоқ вақт бошқа жойда бўлиши бу ҳақларнинг паймол бўлишига олиб келади.

2. Сафар давомида доимо рафиқанг билан хабарлашиб туришинг, унга тез-тез кўнғироқ қилишинг зарур. Рафиқанг-

ни хурсанд килиш, оила аъзоларингнинг ахволи, эҳтиёжларини билиш, лозим бўлганда ёрдам бериш учун доимий алоқада бўлишинг шарт.

3. Оилангга етарли микдорда пул қолдиришинг зарур. Уларга лозим бўлган пулни ўзингга ишлаётган жойингдан ҳам жўнатишинг мумкин. Хасислик қилма, оғринма.

РАФИҚАНГГА ИСТАКЛАРИНГНИ ОШКОРА АЙТИШГА ШОШИЛМАСЛИГИНГ ЗАРУР

Эркаклар хар масалада аёллардан фарқлидир. Масалан, рафиқасига «Сендан шуни сўраганимидим?» дейди. Рафиқаси эса «Йўқ эшитмадим» деб жавоб беради. Бунинг сабаби эркакнинг истакларини синиқ, очик-ойлин ифода этмаслиги дир. Натижада англашимовчиликлар келиб чиқади, муносабатлар ёмонлашади. Мухаббат ҳам задаланади. Аслида бу холатнинг сабаби жуда оддий, аммо ғоят аҳамиятли. Бу сабаб эркакнинг тушунарли қилиб гапирамаслиги, шошилиб гапиришидир. Эркаклар нихоятда аниқ қилиб гапиришлари лозим. Баъзи эркаклар: «Мен бир марта гапираман. Хотиним бир марта тушуниши лозим» дейишлари мумкин. Бу тўғри эмас. Ҳамиша ҳалқ сўзни бир марта тушунмаслиги мумкин. Сўзимизни бир-икки марта такрорласак зиён киламизми?

РАФИҚАНГНИНГ РАШКИНИ ТЎҒРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИНГ ЛОЗИМ

Аёлларнинг рашки эркакларнидан фарқ қиласди. Бу меҳр туфайли келиб чиқадиган туйғу эмас. Аёл умр йўлдошининг бошқа бир аёлни севишини, бошқа билан яхши яшашни истамайди. Эри билан бирга эканлигига бошқа аёлнинг эри билан гаплашиши ҳам рашкини қўзғали

мумкин. Эркак рафиқасининг рашкини тўғри тушуниши, куйидагиларга амал қилиши лозим:

1. Рафиқаси билан биргалигида бошқа аёллар билан сухбатлашмаслиги, хотинининг ажойиб фазилатлари ҳақида гапириши керак.

2. Рафиқасининг эрини бошқа аёллардан рашк қилишини тўғри тушуниши зарур. Аёл рашк қилганида кучли руҳий ўзгаришлар бўлади, натижада у нима қилганини, нима деганини билмайди. Пайғамбар алайҳиссалом аёллар фитратида рашк қилиш туйғуси мавжудлигини, аёлларга рашк қилишини айтганлар. Жаноб пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг рафиқалари рашки ҳақидаги ҳадислар кўп. Булардан баъзиларини ёдга олайлик. Ҳазрати Ойша (р.а)хикоя қиласидилар: «Расууллоҳ (с.а.в) бир кеча ёнимдан чиқиб кетдилар. (Менинг навбатимда) бошқа бир рафиқасининг ёнига кетгандир, деб рашк кила бошладим. Қайтиб келгандарида ахволимни тушундилар ва «Ёки рашк қилдингми? дедилар. Мен эса “Албатта! Мендек аёл сиздек эркакни қизғанмай нима қилсин?” дедим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Сенинг шайтонинг келган бўлса керак” дедилар. Мен “Менда шайтон борми?” дедим. “Шайтони бўлмаган одам йўқ”, дедилар. “Сизда ҳам борми?” деб сўрадим. “Ха, лекин унга қарши курашда Оллоҳ мададкор бўлди ва у мусулмон бўлди” (“Саҳихи Бухорий”дан)

«Мағоғир» номи билан машҳур бўлган яна бир ходиса бор. Бу пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг рафиқалари канчалик рашк қилганларига далолатdir.

Мағоғира бир дараҳтдан олинадиган бадбўй хидли нарсадир. Ҳазрати Ойша шундай ҳикоя қиласидилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Зайнаб бинти Жаҳшининг ёнида эдилар, асал шарбати ичар эдилар. Ҳафса иккаламиз келишиб олдик. Пайғамбар алайҳиссалом қайси биримизнинг ёнимизга келсалар «Мағоғир хиди келаяпти, мағоғир едингизми?» деб сўрайдиган бўлдик. Шундай қиласидик. Пайғамбаримиз

алайхиссалом «Зайнаб бинти Ҳаҳшнинг ёнида бол шарбати ичдим, бошқа ичмайман» дедилар ва шу воқеадан сўнг қўйидаги оятни нозил бўлди: «Эй Пайғамбар (алайхиссалом) нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб Аллоҳ сиз учун ҳалол килган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?! Аллоҳ Мағфиратли, Мехрибондир» (Таҳрим, 7). Ортидан Ҳазрати Ойша ва Ҳафса га қаратилган қўйидаги оят нозил бўлган: «(Эй Ҳафза, Ойша), агар сизлар иккингиз (бу килмишларингиз учун) Аллоҳга тавба килсангизлар (ўзларингизга яхширок бўлур). Чунки сизларнинг дилларингиз (Ҳак йўлдан) тойиб кетди. (Аммо) агар сизлар (Пайғамбарнинг) зиёнига (яъни у зот билан аёллари ўртасини бузадиган ишлар устида) бир-бирингизга ёрдам берсангизлар, у холда шак-шубҳасиз, Аллоҳнинг ўзи ҳам Жаброил ҳам, аҳли солих мўминлар ҳам унинг мадалкоридирлар. Яна булардан кейин фаришталар ҳам (Пайғамбарга) ёрдамчидир». Рашк пайғамбарларнинг рафиқаларига нималар килдирганини шу ривоятдан кўриб турибмиз. Ҳазрати Ойша ва Ҳафса тил бириктириб пайғамбаримизни рашк қилганликлари сабабли Унинг Зайнаб бинти Ҳаҳшнинг ёнида бол шарбати ичишига тўскинлик қилиши учун «Оғзингиздан мағоғир ҳиди келяпти дейишгача бордилар. Пайғамбаримизнинг рафиқалари шунчалик рашкчи бўлсалар бизнинг хонимларимизнинг ахволини тасаввур килаверинг!

Эркаклар рафиқаларининг қизғонишлиарини тўғри тушунишлари, уларга жаҳл қиласликлари лозим. Шундай вазиятда аввало тинчланишлари, сўнгра мантикли тарзда гапиришлари зарур. Мағоғир воқеасидан Пайғамбаримизнинг оғизларидан нохуш ҳид келишини ёқтирмасликларини ҳам билишингиз мумкин. «Оғзингиздан мағоғир ҳиди келяпти» дейишганида бунинг сабаби асал деб ўйлаб: «Зайнаб бинти Ҳаҳшнинг ёнида асал шарбати ичдим. Қайтиб ичмайман» деганлар. Пайғамбаримизнинг оғизларидан асло нохуш ҳид келмаган. Бу ўринда Ҳазрати Ойша ва

Хафса оналаримизнинг Зайнаб бинти Жаҳшга рашқ килиб шундай қилғанларини кўрамиз.

РАФИҚАНГНИНГ ОГИР ДАМЛАРИДА УНГА ДАСТАК БЎЛИШИНГ КЕРАК

Аёлларнинг эркаклардан кўра сабрсизироқ, чидамсизроқ эканликлари маълум. Шу боис эркаклар рафиқалари учун оғир бўлган дамларда уларга кўмак беришлари, кўллаб-қувватлашлари лозим ва Оллоҳнинг фазл ва эҳсонларини эслатишлари зарур. Масалан, рафикандигиз ота-онаси ёки бошқа бир қадрдонидан жудо бўлганида ўзини йўқотиб кўяди. Мотам тутиб, йигидан бўшамайди. Шундай лаҳзаларда эркакнинг рафикаси ёнида бўлиши, унга таскин ва далда бериши, тинчлантириши, унинг янгилиш ҳаракатлар килишига йўл кўймаслиги ниҳоятда муҳимдир. Расулуллоҳ алайҳиссалом ўлган фарзанди учун кўз ёш тўкаётган аёлга дуч келдилар. “Оллоҳдан қўрқ ва сабр кил”, дедилар. Аёл (изтиробдан сўзловчининг кимлигига хам эътибор бермай): «Менинг бошимга тушган билан нима ишинг бор?» деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом узоклашганларидан сўнг аёлга «У пайғамбар эди!» дедилар. Аёл айтган сўзидан уялиб боласининг ўлимига хафа бўлгандек хафа бўлди. Пайғамбар алайҳиссаломининг ҳузурларига узр сўрагани югуриб борди. Эшикда кўриқчилар йўқ эди, тўғри ичкарига кирди ва: «Эй Оллоҳнинг Расули, сизни танимасдан айтган ножўя сўзларим учун мени авф этинг», деди. Пайғамбар алайҳиссалом «Макбул сабр мусибатга учраган илк ондаги сабрdir» (Имом Бухорий, Имом Термизий ривоятлари).

Пайғамбаримизнинг у аёлга «Оллоҳдан қўрқ ва сабр кил» дейишларининг сабаби факат йиги бўлмаганлиги аник. Чунки ўликка йиглаш ҳаром эмас. Бу ерда аёл фарёд килиб, ўзини уриб йиглаган бўлса керак.

Аксарият аёллар мусибатли ҳолатларда сабрсизлик киладилар. Шунинг учун пайғамбаримиз у аёлга «Тўғри (макбул) сабр мусибатгэ учраган илк ондаги сабрдир» деганлар. Бошқача килиб айтганда, нохуш хабарни эшитганда сабрсизлик килиб, кейинчалик сабр қилиш хақиқий сабр саналмайди. Мусулмон қайғули хабарни эшитган илк дақиқадан хам сабрла ва матонатли бўлмоғи керак.

Эркак бошларига мусибат келганда рафиқасининг жоҳилият давридаги каби юз-кўзини юмдалаб, кийимларини йиртиб, ўзини уриб йиғлашига йўл қўймаслиги лозим. Расууллоҳ алайҳиссалом шундай марҳамат қиладилар: «Ўлганинг орқасидан юз-кўзини тирнаган, ёқасини йиртган, жоҳил инсон каби бакириб-чакириб йўқлов айтиб ўзини карғаган биздан, бизнинг йўлимизни тутгандардан эмасдир». («Сунани Термизий»дан).

Жоҳилият давридаги аёллардек иш тутиши мусулмон аёл ва эркакка асло ярашмайди. Эркак рафиқасининг сабртоказли бўлишида ёрдам бериши, унга Оллоҳининг раҳматини эслатиши, казо-қадарни рози-ризолик билан қабул килишда унга намуна бўлиши керак.

СЕНДАН ЮЗ ЎГИРГАН ПАЙТЛАРИДА ОҚИЛОНА ИШ ТУТ

Тангри таола «Куръони Карим»да шундай буюради: «Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировлардан (яъни эркакларни аёллардан) ортиқ килгани ва эркаклар (хотинлари ва оиласлари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат килгандаридир. Бас, ибодат-итоатли ва (эрлари) йўклигига Аллоҳнинг хифзу химояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз ифратларини) сақловчи хотинлар – яхши хотинлардир. Хотинларингизнинг итоатсизлигидан кўрксангиз, аввало уларга панд-насихат килинглар, сўнг (яъни, насиҳатларинг

кор килмаса) уларни ётоказыда тарк килингиз, улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманд, сүнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйинсунмасалар) уринглар! Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошка йўл ахтаринглар. Албатта Аллоҳ энг юксак ва буюк бўлган Зотдир (Нисо, 34).

Оила тартибларига бўйисунмаган, хуқук ва бурчларини ўринлатмаган, оила шаънига дод туширган, кўрилган чоратадбирлардан сўнг ҳам нотўғри йўлдан қайтмаган аёлга эри қандай муносабатда бўлишилиги борасида тавсиялар:

1. Аёл хатоларини тузатиш учун бериладиган кетмакет жазо шаклидадир: насиҳат килиш; ётоғини тарк қилиш, охирида сенгил уриш.

2. Қўлланиладиган жазоларнинг меъёри, чегарасини яхши билиш зарур. Масалан, «енгил уриш»нинг чегарасини яхши «Оғритмайдиган даражада, салгина уринг» деб белгиланади. Олимлар буни «Аёлда из колдирмайдиган, уни жароҳатламайдиган, жонини оғритмайдиган даражада, салгина уринг» деб тушунтирадилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом юзга уришни, инсонларни ёмоғлашни ман қилганлар. Қуллар, чўриларни шу тарзда ўришни такиқлаганлариdek умр йўлдошини уришни ҳам ман этганлар.

Мухаммад Фаззолий: «Умр йўлдошини калтак билан уриш, юзига уриши жоиз эмас. Эркак аёлнинг оила тартибларини бузганлигидан ғазабда бўлса, уни қалами, мисвок ёки тиш чўткаси билан уриши мумкин. Рафиқасини калтак билан уриши, кейин эса ўпиши ахмоклик ёки бошка бир руҳий хасталикдир» дейди.

Пайғамбаримизнинг хеч бир аёл ёки хизматкорни асло кўли билан урмаганликлари ҳақида саҳих ривоятлар бор. Уруш ҳақидаги фикрларни эркаклар кўп ҳолларда нотўғри талкин қилганликлари сабабли аввало шу амалга тўхтадлик. Аслида бу амал насиҳат ва ётоғни тарк этишдан кейин тилга олинади, салгина уруш билан рафиқанинг нафратига сазовор бўлинса бунда хайр йўқ. Бу амал баъзи аёллар учун

фойдали бўлса, кўпчилик аёллар учун бефойдадир. Ақлли эркак рафиқасининг қайси тоифадан эканлигини яхши билади.

Ётотки айриш эса битта уйда, алоҳида ўринда ётиш ва жинсий муносабатда бўлмаслик демакдир. Бу уйни тарк этиш дегани эмас. Бундай килинса англашилмовчиликлар янада кўпаяди. Ётотки айриш аёлнинг ўз хатоларини англаши, эрига итоат килишига ёрдам бериши мумкин.

Эркаклар насиҳат қилиш деганда хатиблардек ваъз айтиб, гуноҳларнинг оғирлиги, оқибати ёмон бўлиши ҳақида огохлантириш деб ўйлашмасинлар. Тўғри, шундай қилишлари ҳам мумкун, лекин бу билан нимага эришадилар?

Ваъз ва насиҳат санъатдир. Яхши ваъз тушунарли бўлгани, топиб айтилганидир. Воизлик сўзлашув колипларини ёдлаб олиш ва гапириш эмас. Яхши воиз сухбатдошининг кўнглига хитоб этади, таъсир кила олади. Эркак яхши нотик бўлиши керак. Рафиқаси кўнглига йўл топишни билиши керак. Унга килган насиҳатлари таъсир қилишга эришиши лозим.

ФАҚАТ ЎЗИНГНИ ҲАҚЛИ ДЕБ БИЛМАСЛИГИНГ КЕРАК

Баъзи эркакларнинг муаммоси ҳеч кандай шубҳага ўрин қолдирмай, ўзларини доимо ҳақли санашлари, умр йўлдошини эса ноҳаққа чиқаришларидир.

Хой эркаклар! Инсофли бўлинг. Ҳақли бўлинг, лекин ноҳақлик килманг. Ушбу насиҳатга эътибор беринг: «Эй мўминлар, адолат билан тургувчи (шунингдек) ўзларининг ёки ота-она ва кариндош уруғларнинг зарарига бўлса-да, Аллоҳ учун (Тўғри) гувоҳлик бергувчи бўлиниглар! У (яъни гувоҳлик берилувчи) бой бўладими, камбағал бўладими ҳар иккисига ҳам Аллоҳнинг ўзи (сизлардан кўра) якироқдир. Бас, адолат килмасдан нафси-ҳавога эргашиб кетманлар. Агар тилларингни буриб (потўғри гувоҳлик берсанглар) ёни (гувоҳлик

беришдан) бош тортсанглар, албатта Аллоҳ қилаётган амал-ларингиздан хабардор бўлган Зотдир». (Нисо, 135)

Ҳар нарсада рафиқанги айблашга шошилма. Оғир бўл. Масаланинг ҳар томонини чукур таҳлил кил. Айбинг бўлса уни тан ол. Бунинг уятли жойи йўқ. Ҳеч бўлмаса рафиқанг жавобгар бўлмаган ишларда уни айбдор деб чикарма. Агар шошқалоклик килиб хотинингни айбласанг, кейин унинг бегунохлиги маълум бўлса, албатта узр сўрашинг керак. Узр сўрамасанг ҳам, хақиқатни эътироф этишинг, иш ойдинлашгани унинг айби йўқлиги маълум бўлганини билдиришинг лозим. Шундай қилсанг сенга хурмати ошади, уни хурмат қилишинг қадрлашингни ҳис қиласди. Унинг қалб туридан жой оласан.

ЭР-ХОТИНЛИК МУНОСАБАТЛАРИ МЕЪЁРИЙ ҚОИДЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШИНГ ЗАРУР

Қовушиш пайтида кўпинча эр-хотинлар бисмиллоҳ айтишни унутиб қўядилар. Бу эса жуда зарур. Қовушиш пайтида Аллоҳ уларга зурриёт ато этса, бисмиллоҳ айтилганда шайтон унга зарар етказа олмайди.

Ҳадисда марҳамат қилинади: «Қайси бирингиз хотини билан яқинлик қilmokchi бўлиб «Оллоҳнинг номи билан! Оллоҳим бизни шайтондан узок тут, шайтонни бизга берадиган насибингдан (фарзандимиздан) узок тут» деса, сўнгра Аллоҳ бу яқинликдан уларга фарзанд насиб этса шайтон унга асло зарар бера олмайди». Муборак тавсиялардан бири илк қовушишдан олдин эркакнинг рафиқасининг хайрли ва муборак бўлишини тилаб дуо қилишидир. Аллоҳ никоҳларни хайрли, турмушларни барокатли, ўзларини баҳтли қилишини тилаш зарур. Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Сиздан бирингиз бир аёлга уйланганда қўлинни аёлининг пешонасига қўйсин, унинг ўзига муборак бўлиши учун дуо килсин ва шундай десин: «Аллоҳим! Рафиқамнинг яхши бўлишини, яхши феъл-авторли бўли-

шини тилайман! Унинг ёмонлигидан, ёмон табиатли бўлишидан паноҳ тилайман».

Эркак қайта яқинлик қилишни истаса таҳорат қилиши лозим. Бу одоблардан саналади. Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Бирингиз хотингиз билан жинсий алокада бўлгандан кейин иккинчи марта тақрорланишни истаса икки алока ўртасида таҳорат олсин. Чунки таҳорат иккинчи қовушишга куч бахш этади» (Муслим, Ҳайз, 28) деганлар. Эр-хотиннинг бомдод номозидан олдин вактлари етарли бўлса уйқудан турганда гусл килишлари мумкин. Вакт кам бўлса уйқудан олдин гусл килишлари лозим. Ҳазрати Ойшадан: «Расулуллоҳ (с.а.в) жунуб ҳолида туннинг бошида ювинар эдиларми, охиридами?» деб сўраганларида: «Баъзан бошида, баъзан охирида ювинар эдилар» деб жавоб берганлар (Бухорий, Термизий ривоятлари).

Эр-хотин қовушишда хам савоб борлигини билишлари лозим. Улар бир-бирларини бахтли қилишни, солих фарзанд эгаси бўлишни ният қилишлари, Аллоҳдан шуни сўрашлари зарур.

Ҳаромдан сакланиш, Оллоҳнинг неъматидан ҳалол йўл билан фойдаланиш, хайрли ишлар учун фикрини банд қилган жинсий майлни қондириш, энг асосийси, соғлом фарзандларни улғайтириш ниятида қилинган қонуний яқинлик хам ибодатdir ва инсонга завқ бағишлиши билан бирга савобга хам етказади. «Кишининг лаззатланишида савоб бўлиши мумкини?» деб сўраган сахобага Пайғамбаримиз «Ўша сувни ҳаром ерга оқизса гуноҳ бўлмасми? Шундай экан ҳалол ерга оқизиши «савобдир» деб жавоб бердилар.

ЖИНСИЙ ЯҚИНЛИКДА ҲАРОМДАН САҚЛАНИШИНГ КЕРАК

Аёл билан орка томондан алока қилиш ҳаром ҳисобланади. Агар аёл бу ишга рози бўлса, катта гунохга шерик бўлади. Хотинига орқадан яқинлашган эркак Оллоҳ ҳаром

килган ишни қиласи, аёлга ҳам азоб берар экан. Эркаклар Оллоҳдан қўрқишилари, ислом ва имоннинг чегарасидан чиқмасликлари керак. Лут қавмининг одатларига ўхшаган бундай ярамас ишларни тарк этишлари керак. Оллоҳ бизни бундай ишлардан асрасин!

Расулуллоҳ (с.а.в) буюрдилар: Ким ҳайзли хотини билан яқинлик қиласа ёки хотинининг орқасидан яқинлик қиласа ёки коҳинга борса, айтганларини маъқулласа Муҳаммадга нозил килингандарни инкор қилган бўлади» (Термизий. Таҳорат, 102, Ибни Можа, Таҳорат, 122).

Эркакларнинг ҳайзли аёли билан яқинлик килиши харомдир. Фақат жинсий яқинлик ҳаром бўлади. Ҳайз кўраётган аёлнм эркалаш жоиз. Шаҳватсиз бўлса-да, эркалашга муҳтож бўлган аёл ҳар ойнинг маълум кунларида эътиборсиз колишдан, ёқимсизлик хақидаги фикрлардан ранжиши мумкин. Шу боис бундай кунларда аёлларни эътиборсиз колдириш тўғри эмас.

Анас Молик розияллоҳу анху шундай ҳикоя қиласидар: «Яҳудийларнинг шундай одати бор: Ҳайз кўраётган аёл билан бир жойда ўтиришмас, бирга еб-ичмас эдилар. Саҳобалар Пайғамбар алайҳиссаломдан шу ҳакда сўрадилар. Бу масалада Аллоҳ шундай кўрсатма беради: «Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У кўнгилсиз-нонок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин, уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчишларни севади. (Бақара, 222). Бу оятдан сўнг Расулуллоҳ «Хотинларингиз билан жинсий алоқадан бошқа ҳамма нарсани қилинг» дедилар. Яҳудийлар бу рухсат ҳақида эшитганларида «Бу нима қилмоқчи? Бизга қарши чиқмаган бирор нарса колмади» дедилар. (Бу сўзни эшитган) Усайд ибни Худайр ва Аббод ибни Бишир келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Яҳудийлар шундай-шундай деяптилар» деб ҳабар

бердилар. «Биз аёллар билан бирга ўтириб-турмаймизми?» дедилар. Расулуллохнинг ранглари шундай ўзгарди-ки, биздан жаҳллари чиқди деб ўйладик. Улар дарҳол чиқиб кетдилар. Йўлда Расулуллоҳ жўнатилган ҳадия – сутга дуч келдилар. Раусулуллоҳ сутни дарҳол ичишлари учун юборди. Шунда сездилар-ки, Расулуллоҳ улардан хафа бўлмаган эдилар». (Имом Нававий ривояти).

РЎЗГОР ХАРАЖАТЛАРИДАН АЛОҲИДА ПУЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

Аёлларнинг ўз харажатлари бор. У сарфлаган пулни тийинма-тийин хисоб-китоб қилма. Тўғрисини айтганда рафиқангнинг шахсий эҳтиёжларига ишлатадиган пулини сен беришинг керак. Берган пулингнинг хисобини сўрама. Кўй, истаганидек ишлатсин.

Бу масалада хасислик қилма. Сенга билдиrmай пулингдан олишга мажбур бўлмасин. Аёлларнинг энг катта муаммоларидан бири пулга бўлган эҳтиёждир. Рафиқангни пулсиз қолдириб кийнама. Пайғамбаримизнинг эри хасис бўлган аёлларга эҳтиёжларига яраша пулни умр йўлдошларига сездирмай олишларига рухсат берганларини билиб кўй. Лекин рисоладаги эркак рафиқасини бундай танг ҳолатда колдирмайди. У хотинига керакли микдордаги пулни ортиғи билан ўзи беради. Аёлларнинг бу эҳтиёжини «шахсий эҳтиёж» деймиз.

Болаларга ҳам кичкиналигидан эътиборан пул бериш керак. Бу пул қўп микдорда бўлмаслиги мумкин, лекин унинг аҳамияти жуда катта. Бола ўзининг қадрини билади, уни асрашга ҳаракат қиласи. Бирор нарсага эҳтиёж сезганида, берган пулингга қаноат қилишга одатланади. Онасидан пул сўрашга мажбур бўлмайди. Агар сўраса, оилавий шароитингиз тўғри келмаслигини тушунтиришингиз лозим.

БАЪЗИДА УНУТИШ НЕЪМАТИДАН ҲАМ БАҲРАМАНД БЎЛИШИНГИЗ КЕРАК

Баъзида унудиши Оллоҳнинг инсонларга берган энг буюк неъматларидан бири эканлигини хис қиласанми? Тангри таоло бизга шу неъматни ато этмаганида ҳаётимиз чидаб бўлмас даражада оғирлашар, жаҳоннамга айланар эди.

Инсон «унудиши» ўзагидан яралган. Шунинг учун дард-аламни, ғамни, мусибатларни унудиди. Унумаса қаттиқ изтироб чекар, нажот йўлини топа олмас эди. Баъзи инсонлар бу неъматни кўра олмайдилар, кадрини ҳам билмайдилар. Аксинча азобларни, хафагарчиликни, муаммоларни унумасликка тиришадилар. Эркакларнинг баъзилари рафиқаларида камчиликларни ҳеч унумайдилар. «Фалон кун, ой йилда шундай-шундай қилмаганмидинг?» деб тураверадилар. Шу тариқа эски дафттар янгидан очилади.

Дўстларимизнинг ёмонликларини ҳам унудишини тавсия этилар экан, рафиқамизнинг ноўрин харакатларини нега унумаслигимиз керак? Душманларимизнинг ёмонликларини ҳам яхши сўзлар билан бартараф килишга ундов бор экан севганларимизга иисбатан кандай муносабатда бўлишимиз лозимлигини мушоҳада қилинг!

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан даф қилинг. (Шунда) баногоҳ сиз билан ўргаларингизда адоват билан кимса қайнок-садик дўст каби бўлиб қолур». (Фуссилат, 34).

Пайгамбаримиз рафикалари рашк боис дуч келган муаммоларни биламиз. Лекин Ул зот умр йўлдошларининг ҳар ҳолатига чидаган, уларга раҳм килган, уларни кадрлаган. Катта-кичик хатолари учун айблаб, хисоб-китоб қилмаган, аксинча, доимо кечирувчи бўлган. Яхши, солих эрнинг ахлоқи шундай бўлиши керак.

ХУЛОСА ЎРНИДА:

**Мўъжиза кутма. Ҳар бир инсоннинг ҳам
хато, камчиликлари бор. Ҳаётда, турмушда
хафагарчиликлар ҳам бўлиб туради. Аёллар
ҳам инсон сифатида хатодан холи эмаслар.**

Рафиқанг аёл сифатида ўзига хос фазилатлар ва табиятга эга. Уни ўзгартиришга уринсанг ҳам эплолмайсан. У ҳар бир аёл сингари ўзига хос ҳусусиятлари билан ажралиб туради. Эркакларнидан фарқли матоси, тўқилиши бор. У ҳаёт учун зарурий матодир. Наслнинг бардавомлигига аёлга эҳтиёж сезишимиш ҳакиқат. Аёлларнинг рухияти, табиати ҳам эркакларнидек бўлганида ҳаёт бу қадар баҳтли, самарали бўлмас эди. Кувончли лаҳзалар бўлмас эди. Тўғри, аёллар ҳаётимиздаги изтироблар сабабчилари ҳам. Лекин на илож? Тикансиз гул бўлмас!

Рафиқангнинг ўзига хос фазилатлари бор. Уларни борича қабул қилишинг, рафиқангнинг бутунлай ўзгаришини талаб қиласлигинг керак. Чунки бу жуда мушкул, аксарият ҳолларда имконсиз бўлган ишdir.

Умр йўлдошингни ҳар жихатдан ўзингта мослаштиришга уринма. Умр бўйи харакат қилсанг ҳам ўзинг бошқаларни чарчатишдан бошқа нарсага эриша олмайсан. Эркак рафиқасига пурхикмат, насиҳатлар беришдан чарчамаслиги керак. Лекин рафиқасининг шахсиятини ўзгартиришга уриниши унга ёқмайди. Бу эришиб бўлмаган мақсаддир.

Мўъжиза кутмаслик керак. Эркак рафиқасини борича қабул қилиши лозим. Баҳтли оила сени дилшод этувчи ўткинчи лаззат эмас. Аксинча оила мева бериши учун устида титраб туриш, ниҳоятда асраш, ҳар қандай фидойиликка тайёр туриши керак бўлган дарахтга ўхшайди. Баҳтли турмуш берадиган мевадан ёқимлирок нарса йўқ.

Рафиқангнинг сенга ёқмаган, аммо оилавий хаётингизга катта таъсир ўтказмаган жихатларига эътибор бермасанг бахтли хаёт кечирасан. Уларни сезмасликка ол. Жуфти ҳалолингнинг устун жихатлари, яхши одатлари ҳакида ўйла. Шунда хаётинг янада бахтли, мазмунли, самарали ўтаётганлигини дилдан ҳис қиласан.


МУНДАРИЖА

Умр йўлдошинг сен учун ясанишини истаганингдек сен ҳам у учун ясанишинг керак	3
Рафикасини кувонтириш ва у билан ҳазиллашиш.....	4
Шишаларни синдириласлик керак	5
Турмуш ўртоғингнинг сен билан гаплашиш сухбатлашиш истагига “лаббай” деб жавоб беришинг керак	6
Умр йўлдошига хуш ёқадиган исм билан мурожаат килиш лозим	7
Хиссиятларга берилиш ва хаддан ташқари таъсирчан бў- лиш керак эмас	8
Умр йўлдошингга ишонч бағишилашинг ва сен билан ўзини ишончли хис килишини таъминлашинг лозим	9
Умр йўлдошингга кутилмаган совғалар бер	11
Уйга очик чехра билан кулимсираб кириш	11
Рафиканг билан гаплашаётганда ниҳоятда эътиборли, илти- фотли бўлишинг зарур	12
Рафикангга ёқадиган мавзуларда гапир	13
Оила аъзоларингиз ёнида рафикангизни мактанг	14
Олижаноб ва назокат доимо кутиладиган амаллардир	15
Эр-хётин ўртасидаги муҳаббатнинг элчиси	17
Рафикангни бир хил хаётдан кутқаришга харакат килишинг лозим	18
Рафиканг кусурларини кабул килишинг керак	19
Ахамиятсиздек туюлган воеаларга эътиборли бўлишинг лозим	21
Уй юмушларини бажаришда рафикангизга ёрдам беришинг мумкин	21
Туйгуларни билдиришда хасис бўлма	22
Рафикангнинг фикрлари, аклини хурмат килишинг керак	23
Рафиканг ҳакида яхши фикрда бўлишинг лозим	25
Рафикангга унинг энг яхши умр йўлдоши эканлигини ҳис этдиришишинг керак	27
Рафикангнинг кобилиятларини юзага чиқаришига ёрдам беришинг керак	27
Рафикангнинг ҳайз кунларидаги ва ҳомиладорлик пайти- даги руҳий ҳолатига эътиборли бўл	29

Фарзандларни парваришилаш ва тарбиялашда рафиқанға күмак беришиңг лозим	30
Рафиқанғининг оила аязоларига иззат-икромда бўл, рафиқанғни уларни йўқлашдан маҳрум қилмаслигинг лозим	31
Дастурхонла рафиқанг билан бирга овқат ейишга харакат кил	32
Рафиқанғни макташинг зарур	32
Рафиқанғнинг сирларини сақлашинг зарур	33
Рафиқанғнинг ҳаққига асло хиёнат қилмаслигинг керак	34
Кўп хотинлик масаласи	35
Рафиқанг билан яхши муносабатда бўлишинг, оиласнгни кўнгилдагилек таъминлашинг лозим	36
Турмуш ўртоғингни қандай килиб “энг муносиб рафика” қила оласан?	38
Оллохга қуллик вазифалари ва ҳар қандай ибодатга рафиқанғга ёрдамчи бўлишинг керак	39
Уйдан узоклашмасинг керак	41
Ўтмишни унут, келажакка бок!	42
Оиласвий ҳаётингизга хеч кимнинг аралашishiга йўл қўйма!	42
Фаразли мақсадлардан кутилишинг керак	44
Умр йўлдошингнинг соғлигига эътиборли бўлишинг шарт	45
Қувончингни рафиқанг билан баҳам кўришинг керак	46
Узок сафарга чиққанингда рафиқанғга мактуб ёзишинг, доимо ҳол-ахвол сўраб туришинг керак	47
Рафиқанғта истакларингни ошкора айтишига шошилмаслигинг зарур	48
Рафиқанғининг рашкини тўғри қабул қилишинг лозим	48
Рафиқанғнинг оғир дамларидан унга дастак бўлишинг керак	51
Сендан юз ўғирган пайтларида оқилона иш тут	52
Факат ўзингни ҳақли деб билмаслигинг керак	54
Эр-хотинлик муносабатлари месъёрий қондаларга амал қилишинг зарур	55
Жинсий якинликда ҳаромдан сакланишинг керак	56
Рўзгор ҳаражатларидан алоҳида пули бўлиши керак	58
Баъзида унутиш неъматидан ҳам баҳраманд бўлишингиз керак	59

Адабий-маърифий нашр

АЁЛНИНГ ЭРИГА МУҲАББАТИНИ
ОРТТИРГАН
52 МАСЛАҲАТ



Бадиий муҳаррир:
Зухра ҲАМДАМОВА

Техник муҳаррир ва мусаҳиҳа:
Иноят ЗОХИДОВА

Бадиий безакчи:
Одил Ҳўжамов

Нашриёт лицензияси № А1 139
Терилди: 29.09.2010. Босишига руҳсат этилди: 27.10.2010.
4,0 б/т. Бичими: 60x84 ^{1/16}. Офсет коғозида босилди.
Аддии: 3000. Буюргма №40.
Нашриёт нашртномаси №209

Нашриёт маизили:
«Насаф» нашриёти, 130118, Қарши шаҳри, Мустакиллик
шоҳ кўчаси, 22-үй.

«TONG PRESS PRINT» МЧЖ босмахонасида чой этилди.
Тошкент шаҳри, Уста Олим кўчаси.
E-mail: mulk777@mail.ru

*Сизнинг энг яхшиларингиз
оиласига энг хайрли бўлганингиздир.
Мен эса оиласига нисбатан
сизнинг энг хайрли яхшингизман.*

*Ўзинг еганингда унга ҳам едиргин,
кийганингда унга ҳам кийдиргин,
юзига урмаслигинг,
уни ёмонламаслигингдир.*

«Насаф»

ISBN 978-9943-18-164-9



9 789943 181649